ЯНГИ ЙИЛДА ЯНГИ ЗАФАРЛАРГА!

БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ҚИЗИЛ ЎЗБЕКИСТОН

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ
МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ
СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

«ҚИЗИЛ ЎЗБЕКИСТОН» — ОРГАН ЦЕНТРАЛЬНОГО
КОМИТЕТА КОМПАРТИИ УЗБЕКИСТАНА, ВЕРХОВНОГО
СОВЕТА И СОВЕТА МИНИСТРОВ УЗБЕКСКОЙ ССР

45-ЙИЛ ЧИҚИШИ
№ 7 (12.360)

Чоршанба, 9 январь 1963 йил

Баҳоси 2 тийин.

МЎЛ ҲОСИЛГА ЗАМИН ЯРАТАЁТГАНЛАР

СОВЕТЛАРГА САЙЛОВЛАР

Советлар — чинакам халқ ҳокимияти. Советлар сайлови халқимизнинг ҳамиша катта байрамидир. Республикамиз меҳнаткашлари бу йилги баҳорнинг дастлабки дам олиш кунини шод-хуррамлик билан байрам қиладилар. Бешинчи чақириқ Ўзбекистон ССР Олий Совети депутатларининг ваколатлари 1963 йил 1 мартда ҳамда саккизинчи чақириқ меҳнаткашлар депутатлари область, район, шаҳар, посёлка, қишлоқ ва овул Советлари депутатларининг ваколатлари 1963 йил 5 мартда тугаши муносабати билан, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми республика Олий Советига ҳамда меҳнаткашлар депутатларининг область, район, шаҳар, посёлка, қишлоқ ва овул Советларига 1963 йил 3 март якшанба куни сайлов ўтказишга қарор қилди.

Республикамиз Олий ва маҳаллий Советларига сайлов тараддуди бугунги кунимиз кечагидан, эртамиз бугундан сермазмун ва салмоқдор бўлиб бораётган ажойиб кунларда бошланмоқда. Совет халқи КПСС XXII съезди тарихий қарорларини амалга ошириш учун олиб борилаётган муваффақиятли курашнинг бир йилига якун ясади. Дастлабки кунлариёқ коммунизм қурувчиларининг жўш ураётган ижодий меҳнати, булоқдек қайнаб тошаётган халқ ташаббуси, қудратли тўлқин каби авж олаётган коммунистик меҳнат ҳаракатининг улкан самаралари билан нишонланаётган 1963 йил ҳам коммунизм асрига муносиб йил бўлажагига ишончимиз комил. Халқимизнинг партия Марказий Комитети ноябрь Пленуми қарорлари туфайли мислсиз даражада юксалган сиёсий активлиги ва меҳнат ғайрати бунинг гаровидир.

Ўзбекистон ССР Олий Советига ўтган сафарги сайловдан сўнгги тўрт йил Коммунистик партия ва Совет ҳукумати XX, XXI ва XXII съездлар белгилаб берган буюк ижодкорлик режаларини донолик ва қатъият билан амалга оширган шонли йиллар бўлди. Партиямизнинг ленинча ҳаётбахш идеялари ва революцион тадбирлари туфайли шахсга сиғиниш дардидан қутулган мамлакатимиз гигант ютуқларни қўлга киритди. Бизнинг саноатимиз биргина ўтган йили урушдан аввалги ҳамма беш йилликлар давридагига нисбатан кўпроқ маҳсулот ишлаб чиқарди. Мамлакатимизда қарийб тўққиз миллиард пуд дон етиштирилди. «Самовий биродарлар» — Гагарин, Титов, Николаев ва Поповичларнинг афсонавий жасорати совет фани ва техникаси эришган юксак камолотни бутун дунёга намойиш қилди.

Коммунизм моддий-техника базасини яратиш ишига Ўзбекистоннинг қўшаётган ҳиссаси тинмай ўсиб бормоқда. Саноатимиз асосий кўрсаткичлар бўйича етти йиллик контроль рақамларида дастлабки тўрт йил учун белгиланган даражадан ўзиб кетди. Республикамиз қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари каноп пояси ва қоракўл тери етиштириш, дон, картошка, сабзавот, қовун-тарвуз, гўшт, сут, жун, тухум тайёрлаш соҳасида етти йиллик топшириқларини тўла ва ошириб бажардилар. Пахта етиштириш сўнгги тўрт йил ичида бундан аввалги тўрт йилдагига нисбатан қарийб 900 минг тонна кўпайди.

Чинакам халқ ҳокимияти қарор топган бизнинг мамлакатимизда социалистик демократияни янада ривожлантириш ва такомиллаштириш, барча гражданларни давлатни бошқариш ишига жалб этиш партия фаолиятининг асосий масаласидир. Пролетариат диктатураси давлати сифатида вужудга келган давлатимиз ҳозирги янги даврда бутун халқ манфаатлари ва иродасини ифода қилиш органига — умумхалқ давлатига айланди. Маҳаллий органларнинг ташаббусини энг кўп даражада ривожлантиришни, иттифоқчи республикалар ҳуқуқларини кенгайтиришни, омманинг ижодий активлигини оширишни марказлашган раҳбарлик билан тўғри қўшиб олиб боришни таъминловчи ленинча демократик централизм принципи янада кўпроқ ривожланади. Коммунистик партия социалистик демократиянинг янада ривожланиши, давлат ҳокимияти органларининг тобора ижтимоий ўз-ўзини бошқариш органларига айланиши учун ҳамма шарт-шароитларни яратмоқда.

«Социалистик демократияни ҳар томонлама кенгайтириш ва такомиллаштириш, — дейилади КПСС Программасида, — **барча гражданларнинг давлатни бошқаришда, хўжалик ва маданий қурилишга раҳбарлик қилишда актив иштирок этиши, давлат аппарати ишини яхшилаш ва унинг фаолияти устидан халқ контролини кучайтириш — коммунизм қуриш даврида социалистик давлат тараққиётининг асосий йўналиши ана шулардир».** Совет давлати ва унинг истиқболи ҳақида чинакам ленинча ғамхўрлик билан суғорилган бу қоида айниқса Сталин шахсига сиғиниш фош этилиб, унинг зарарли оқибатлари тугатилган, партия ва давлат ҳаётининг ленинча принциплари қайта тикланган ҳозирги даврда тўла рўёбга чиқмоқда. Буни халқнинг жуда кенг ташкилоти ва халқ бирлигининг тимсоли бўлган Советлар фаолиятида яққол кўриш мумкин. Эндиликда ҳар бир меҳнаткаш: давлат — бизнинг ўзимиз, унинг сиёсати — бизнинг сиёсатимиз, дея олади.

Бизда Советларга минглаб, юз минглаб депутат сайланади. Мамлакатимиз маҳаллий Советлари составида ҳозир 1 миллион 822 минг депутат бор, Советларнинг активи эса 20 миллион кишидан ошиб кетди. Республикамиз маҳаллий Советларига халқимизнинг 62 мингдан кўпроқ фарзанди сайланган. Бу Советлар ишида юз мингларча киши актив қатнашмоқда. Бизда Советлар ана шундай ғоят оммавий ва умумхалқ органи тусига кирган.

Коммунистик партия Советларнинг ишини яхшилашга, уларга янгидан-янги кучлар келиб туришига ва шу тарика янгидан миллионлаб меҳнаткашларнинг давлатни бошқариш мактабини ўтишларига алоҳида аҳамият бермоқда. Шу мақсадда партия ўз Программасида ҳар бир сайловда Советлар депутатлари составининг камида учдан бир қисмини янгилаб туриш мақсадга мувофиқ эканлигини кўрсатди.

Сайлов тараддуди ҳадемай кенг кўлам олади. Бунда, аввало, ўтган сайловлар вақтида тўпланган бой тажрибадан имкони борича кенг фойдаланиш керак. Маҳаллий партия, совет, касаба союз, комсомол ва бошқа жамоат ташкилотлари сайлов тараддуди ва уни ўтказиш вақтида кўп ишлар қилишлари керак. Ишнинг муваффақияти сайловчилар ўртасида олиб бориладиган ташкилий ва оммавий-сиёсий ишларнинг мазмуни ва кўламига кўп жиҳатдан боғлиқдир. Агитатор суҳбатининг темаси ва мазмунидан тортиб сайловчиларнинг рўйхатигача, номзод кўрсатишдан тортиб сайлов бюллетенлари, овоз бериш хоналарини тайёрлашгача — барча сайлов олди тадбирлари пухта амалга оширилмоғи керак.

Ўзбекистон меҳнаткашлари ўз республикаси олий ва маҳаллий ҳокимият органларига ўтказиладиган сайлов кунини шонли етти йилликнинг бешинчи йили топшириқларини бажариш, бутун совет халқининг буюк иши — коммунизм қуриш ишига муносиб ҳисса қўшиш йўлида янгидан-янги зафарлар билан нишонлайди.

ФАРҒОНАЛИКЛАР МАШЪАЛИ

МЕЛИҚЎЗИ УМРЗОҚОВ БРИГАДАСИ ЭНГ АРЗОН ПАХТА ЕТИШТИРДИ

Фарғона область, Поп районидаги Ленин номли таянч-намуна колхозининг бухгалтерияси ўтган йил етиштирилган пахтанинг таннархини ҳисоблаб чиқди. Бу хўжаликда мамлакатнинг машҳур механизатори, СССР Олий Совети депутати Мелиқўзи Умрзоқов бошлиқ комплекс механизациялашган бригада энг арзон маҳсулот берди. Бригада етиштирган пахтанинг бир центнери 5 сўм 60 тийинга тушди.

Бу бригадани ҳақли равишда Фарғона пахтакорларининг машъали дейишади. Ўтган мавсумдаги об-ҳаво шароитининг оғир бўлишига қарамай, бригада юз гектар майдоннинг ҳар гектаридан қарийб 44 центнердан пахта олди. Бундай муваффақиятга «оқ олтин» етиштиришнинг ҳамма даврларида техникадан самарали фойдаланиш ва илғор агротехника ютуқларини жорий қилиш туфайли эришилди.

Чигит ҳамма ерда квадрат-уялаб экилди. Шу жумладан 75 гектар ерга аниқ миқдорда уруғлик ташлайдиган агрегатлар ёрдами билан экилди. Бу эса бригадага уруғлик чигитни камроқ сарфлаш йўли билангина тўрт юз ўттиз сўмдан ортиқ маблағ тежаш имконини берди. Ғўзани биринчи озиқлантириш вақтида органик-минерал ўғит аралашмаси қаторларнинг фақат ёнбош томонларига, ғўзанинг илдизларига яқинроқ қилиб солинди. Бу тадбир натижасида ғўзалар тез ривожланди. Коллектив областда биринчи бўлиб, ғўзани махсус машина ёрдами билан чеканка қилишга ўтди. Бу эса муҳим агрономия тадбирининг ўтказилишини тезлаштирибгина қолмай, шу билан бирга икки юз сўмга яқин колхоз маблағларини тежаб қолишга имкон берди.

Бригаданинг муваффақиятига Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Мелиқўзи Умрзоқовнинг ўзи катта ҳисса қўшди. У ўз машинасида 291 тонна пахта терди. Коммунистик меҳнат бригадасининг аҳил коллективи етиштирган ҳосилнинг тўртдан уч қисмидан кўпроғи тайёрлаш пунктига қоп-қанорсиз ташилди.

Умрзоқовчилар етти йилликнинг бешинчи йилида пахтадан мўл ҳосил олиш учун замин тайёрламоқдалар.

БУХОРО ОБЛАСТИ. Бухоро районидаги Охунбобоев номли колхоз пахтакорлари мўл ҳосил учун мустаҳкам замин яратиб қўймоқдалар. Ерни ҳайдаш олдидан гектарига 15 тоннадан маҳаллий ва 400 килограммдан минерал ўғит солинди. **СУРАТДА:** ўғит солиш билан бир маҳалда шудгорлаш. **ИККИНЧИ СУРАТДА:** Ромитан районидаги Карл Маркс номли колхозда шўрхок ерларнинг шўрини ювиш пайти.

А. Усмонов ва **М. Мўминов** фотолари
(ЎзТАГ фотохроникаси).

КЎКЛАМГА ҲОЗИРЛИК

Андижон областидаги колхоз ва совхозларда комсомол-ёшларнинг кўкламга тайёргарликни текшириш рейди етти йиллик бешинчи йили кўкламини намунали кутиб олайлик, деган шиор остида бошланди. Барча ишлаб чиқариш бошқармаларида иш олиб бораётган ўн олти рейд бригадасида ёш контролёрлардан уч юздан кўпроқ киши қатнашмоқда. Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини яхши билган кишилар — агрономлар, механизаторлар, юқори ҳосил учун курашаётган бригадаларнинг бошлиқлари ана шу бригадаларнинг аъзоларидир.

Ёшлар ер ҳайдаш сифатини, яхоб сувини беришни, тракторлар, пахта сеялкалари, культиваторлар ва бошқа қишлоқ хўжалик машиналари ремонти қандай бораётганлигини кўздан кечирмоқдалар. Рейд бригадаларининг қатнашчилари аниқланган камчиликлар тўғрисида колхоз-совхоз ишлаб чиқариш бошқармалари, «Узсельхозтехника» район бўлимларининг раҳбарларига сигнал бериб турибдилар.

Бир қанча жойларда, жумладан, Марҳамат ишлаб чиқариш бошқармасининг ихтиёридаги хўжаликларда рейд бригадалари қатнашчиларининг тавсиясига мувофиқ, техника ремонти икки сменада ўтказилмоқда, ер ҳайдаш сифати устидан агрономлар контроли кучайтирилди. (ЎзТАГ).

ЯНГИ ҚУРИЛИШЛАР

Сурхондарё областининг қурувчилари 1963 йилда катта планларни амалга оширишлари лозим. Янги корхоналарни ишга тушириш ва мавжуд корхоналарни реконструкция қилиш ҳисобигагина саноат маҳсулотининг ҳажми йигирма беш процент кўпаяди.

Шу муносабат билан қурилиш индустрияси янада ривож топади. Термизда темир-бетон заводи ишга туширилади, Жарқўргонда силикальцит блоклар заводи тез суръатлар билан қурилмоқда. Қаршида уй қуриш комбинати ва керамик блоклар заводини барпо этиш тугалланмоқда.

Китоб яқинида шағал саралайдиган йирик завод, карьер ва ишчилар посёлкаси қуриш учун майдон танланди. Шағал саралайдиган янги завод республикада энг йирик заводлардан бири бўлади.

«ШУМАНАЙ» СОВХОЗИНИНГ РАПОРТИ

ХЎЖАЙЛИ, («Қизил Ўзбекистон» мухбиридан телефон орқали). Об-ҳаво шароити ноқулай келишига қарамай, «Шуманай» совхозининг пахтакорлари мардона меҳнат қилиб, мўл ҳосил етиштиришга муваффақ бўлдилар. Лекин пахтанинг очилиши анча кечга тортиб кетди.

— Пешона теримиз билан етиштирилган «оқ олтин»ни ҳар қандай шароитда ҳам сўнгги граммигача йиғиб-териб оламиз!

Совхоз коллективининг қатъий аҳд-паймони ана шундай бўлди. Азамат пахтакорлар енг шимариб ишга киришдилар.

Янги йилнинг дастлабки ҳафтасида «Шуманай» совхози коллективи мамлакатга пахта топшириш юзасидан 1962 йил планини бажардик деб рапорт беришга муваффақ бўлди.

КПСС Марказий Комитети ноябрь Пленуми тарихий қарорларидан руҳланган совхоз пахтакорлари Ватанга 8 минг тоннадан кўпроқ «оқ олтин» топширдилар.

Ҳосилнинг сўнгги тонналари мураккаб об-ҳаво шароитида йиғиштириб олинди. Қор ҳам, бўрон ҳам, қишнинг изғирини ҳам совет деҳқонларининг ғалаба қозониш учун бўлган иродасини бука олмади.

Пешқадам совхоз пахтакорлари бу йил ҳам мамлакатга мўл-кўл «оқ олтин» етказиб бериш учун ҳозирдан пухта замин яратмоқдалар. Совхозда 500 гектардан кўпроқ ер шудгор қилиб қўйилди, далага солиш учун маҳаллий ўғит тўплаш қизғин давом этмоқда.

Пахтакор тараддудда

«Партия XIX съезди» колхози аъзолари бултурги ишлари билан мақтана олмайдилар. Ўтган йили пахта тайёрлаш давлат плани бажарилмай қолди. Гектаридан 19 центнердан ҳосил кўтарилди, холос.

Колхозчилар бу йил мўл ҳосил тараддудини ҳозирданоқ кўриб яхши қиляптилар. Улар гектаридан камида 25 центнердан ҳосил кўтаришга қатъий бел боғлашди. Бир йилдаёқ ҳосилдорликни шунча ошириш осон эмас, лекин пахтакорлар яхши ишлаган кишига ер хазиналигини биладилар.

Ерни вақтида ва сифатли шудгор қилиб қўйиш — ҳосилдорликни оширишнинг муҳим шартидир. Колхоз правлениеси бутун кучни ерни ҳайдаб қўйишга сафарбар қилди.

Олтита «ДТ-54» трактори ремонт қилиниб, ишга туширилди. Тракторчилар кечаси ҳам, кундузи ҳам икки сменада ишладилар. Х. Жалилов, Н. Арслонов, И. Усмоналиев сингари механизаторлар айниқса ғайрат билан меҳнат қилишди. Н. Аматов шериги С. Норқулов билан бир кеча-кундузда 15 гектар майдонни шудгорлашга муваффақ бўлди.

Колхозда техникадан самарали фойдаланиш учун тракторлар олдин бир участкага тўплаб ишлатилди, ҳамма далалардаги ғўзапоя йиғиштириб олингандан кейин, бошқа жойларга юборилди. Шундай иш тутиш туфайли тракторларга техника хизмати кўрсатиш, ер ҳайдашнинг сифати устидан контроллик қилиш яхшиланди, шудгор қилаётган кишиларга маиший хизмат кўрсатиш анча ўнғай бўлиб қолди. Кўчма устахона ва ремонтчилар ҳамиша тракторчиларнинг ёнида бўлиб туришди.

Колхозда ер ҳайдашнинг сифатига алоҳида эътибор қилинди. Шудгорлаш олдидан ҳар гектар майдонга етарли миқдорда суперфосфат ва гўнг солинди. Бунинг учун махсус бригада тузилиб, 12 та бричка, трактор тележкалари, автомашиналар билан минерал ва маҳаллий ўғит ташиб турилди. Механизаторлар ва транспорт бригадасига колхоз агрономи ўртоқ Жалилов раҳбарлик қилди. У ернинг чала қолишига, саёз ҳайдалишига сира йўл қўймади.

Ана шундай уюшқоқлик натижасида Бўка районидаги бу колхоз аъзолари кўкламда чигит экиладиган ҳамма майдонни шудгор қилиб қўйдилар.

Ўзбекистон КП Марказий Комитетининг навбатдаги пленуми чақирилиши, бу пленумда мамлакатга тобора кўпроқ «оқ олтин» етказиб бериш масаласининг муҳокама қилиниши ҳақидаги хабар колхоз аъзоларининг кучига куч қўшди. Улар кўклам экиш кампаниясига тайёргарлик юзасидан бошқа ишларни ҳам қизитиб юбордилар. Пленум очиладиган кунгача техника тўла ремонт қилиб қўйилади.

...Қаҳратон қиш. Сахий ер қор кўрпаси остида хамирдек кўпчиб, баҳорга куч тўплаб чиқади. Бултурги доғ ювилади, ҳосил мўл бўлади.

П. ИБОДОВ.

103,5 ТОННА ГЎШТ ТОПШИРИЛДИ

Ленин номли колхознинг чорвадорлари социалистик мажбуриятни бажардилар

Калинин районидаги Ленин номли колхоз чорвадорлари давлатга гўшт сотиш юзасидан етти йилликнинг бешинчи йили учун олинган мажбуриятни бажардилар. Пландаги 90 тонна ўрнига тайёрлаш пунктига 103,5 тонна гўшт етказиб берилди. Бу гўштнинг 70 проценти юқори семизликдаги мол гўштидир, топширилган маҳсулотнинг 25 проценти чўчқа гўшти.

НАМАНГАН ШУНҚОРИ

Одатда бирон касб эгаси билан, масалан, механизатор билан суҳбатлашсангиз, улар «палон йилдан буён, палон ерда «чўл қувяпмиз» дейишади. Шариф ака эса, «ўн етти йилдан бери уй қуряпмиз» дейди.

Шариф Раҳмонов уруш йиллари фронтда бўлди. 1945 йилда, Берлин устига ғалаба байроғи тикилгандан кейингина Наманганга қайтди. Уйида, бола-чақаси, ёру биродарлари орасида ўн кун бўлди. Шу орада Марказий Фарғона ерларини ўзлаштириш тўғрисида ҳукумат қарори эълон қилинди. Ўзининг айтишича, шу қарор газеталарда босилиб чиққан куннинг эртасига у ариза кўтариб, қурилиш ташкилотига мурожаат қилди:

— Қурувчи деган касбим бор, — деб ёзди у аризасида, — мени Марказий Фарғона ерларига, янги бинолар қурилиши мўлжалланаётган ерларга юборсангиз.

Унинг илтимосини назарга олдилар. Янги тузилган бригадалардан бирига бошлиқ қилиб тайинлашди.

— Шу-шу бўлди-ю, қурувчи бўлиб олдик. — Марказий Фарғона ерлари томон ўтгандирсиз-а, — деб сўзида давом этди Шариф ака, — йўлингиз тушган бўлса, «Мингбулоқ» совхози посёлкасини, «Победа», «Ўзбекистон» ва «Қизил қаҳрамон» колхозларидаги уй-жой бинолари, боғча ва яслиларни биз қурганмиз. Бу жамоат хўжаликларига хизмат кўрсатиб турган ремонт-техника станциялари, машина паркларини бригадамиз қурган.

Бундан 10 йил илгари чўлларни бўстон қилишга ҳисса қўшиб юрган қурувчилар бригадаси Наманганга чақирилди. Шундан буён шаҳар қурилиш ташкилоти қарамоғида ишлаяпти.

Кейинги ўн йил мобайнида бу шаҳарнинг ҳусни-жамолини очган барча янги қурилишлар шу бригада номи билан боғлиқ. «Ўзбекистон» кинотеатри, Навоий номли театр, меҳмонхона бинолари, ҳозирги вақтда икки мингга яқин аҳоли яшаб турган Навоий кўчасидаги ҳар бири 27 ва 36 хонали уй-жой бинолари Шариф Раҳмонов бригадаси иштирокида қурилди.

— Хўжалик ҳисоби асосида ишлашнинг шарофати кўп, — дейди бригадир. — Биринчидан, қурилиш таннархи арзонлашади, иш баракали бўлади, иккинчидан, материалларни тежаб-тергаб сарфлашга имкон туғилади ва қурилиш ишлари сифати яхшиланади.

Шариф ака тушунарли бўлсин учун қуйидаги рақамларни ҳам қўшиб қўйди:

— Биз хўжалик ҳисоби асосида ишлаб кам бўлмадик. 1962 йил планини бир ярим баравар ошириб бажардик. Бригада давлатга 1274 сўмдан зиёдроқ фойда етказди.

— Қурилиш материаллари кўп тежалдими?

— Бўлмаса-чи. 1962 йилнинг биринчи ярмида нималар тежалганини ҳисоблаб чиқдик. Йилнинг иккинчи ярми ҳисоб-китоби энди қилинмоқда. 6 ойда 23 минг 840 дона пишиқ ғишт, 33 кубометр бетон, 7 ярим кубометр ёғоч, тахта, умуман пул ҳисобида 2 минг 208 сўмлик материал тежадик.

Бригада ҳозир Наманганнинг Совет кўчасида медицина билим юртининг тўрт қаватли биносини қурмоқда. Қурилиш майдонига келган киши биронта ҳам синиқ ғишт парчаларини кўрмай ажабланади.

— Биз, — дейди бригадир, — заводдан юбориладиган ғиштни бирма-бир санаб оламиз. Синиқларини девор чокларига қўйиб юборамиз. Ғишт парчаси ҳам давлат мулки-да. У ҳам маълум миқдорда тийинларни ташкил қилади. Бизда ғиштнинг сира ҳам нобуд бўлмаслигининг боиси шунда.

Михдан фойдаланишда ҳам бошқача йўл тутяпмиз. Баъзи қурилишларда эгилган мих ташлаб юборилади. Биз ундай қилмаймиз. Ундан иккинчи марта фойдаланамиз. Шу зайлда ишлаб, 150 килограмм мих тежадик.

Ўртоқ Раҳмонов бошчилигида ишлаётган 32 кишидан иборат қурувчилар бригадаси коллективига бундан бир йил муқаддам коммунистик меҳнат бригадаси номи берилган. Улар бу шарафли номга яраша ишламоқдалар. Бригада аъзоларининг ҳар бири 3-4 тадан касбни эгаллаб олган. Қурилиш материалларини керакли ерга элтиб берадиган машина ва механизмларни ўзлари бошқаришади, бетон ётқизишади, ғишт теришади, сувоқ қилишади, дурадгорлик ишларини бажаришади, дераза-эшикларни ўрнатишади, биноларнинг ички пардозидан тортиб, қулф-калитларини ўрнатишгача — ҳамма ишлар бригада аъзоларининг қўлидан чиқади. Меҳнатда ғишт терувчи Ф. Насриддинов, сувоқчи Қ. Исматуллаев, дурадгор Т. Иззатуллаев ўртоқлар алоҳида ўрнак кўрсатмоқдалар.

Бригадада ишнинг бу хилда ташкил этилгани Андижон областидаги барча қурувчиларни қизиқтираётир. 162-қурилиш трестидаги бригадаларнинг кўпчилиги ўртоқ Шариф Раҳмонов коллективидаги ишларга ҳавас билан қарамоқда. Андижондан, Чустдан, Учқўрғондан ва бошқа жойлардан қурувчи бригадаларнинг вакиллари келиб, улардан иш ўрганиб кетаётирлар.

КПСС Марказий Комитети ноябрь Пленуми қарорларидан руҳланган бригада коллективи янги йилда муваффақиятларни янада кўпайтириш учун ғайрат билан ишламоқда.

Фатҳулла ЛУТФУЛЛАЕВ.

ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИЛАН ҲАМНАФАС

(ТОШКЕНТ ШАҲРИДАГИ РАЙОН ПАРТИЯ КОНФЕРЕНЦИЯЛАРИДАН)

ПАРТИЯ МЕҲРИ, ХАЛҚ МЕҲНАТИ

Тошкент — совет Шарқининг диёри, азамат, навқирон шаҳар! Унинг кенг бағри, мусаффо осмони, гўзал жамоли, куч-қудратга тўлиб тошган камоли — мана шу фазилатлар миллионларни ўзига мафтун этди, ҳавас туғдирди.

Коммунистик партиянинг меҳри, халқ меҳнати азиз Тошкентимизни жуда улуғлади, мамлакатнинг саноати ривожланган, маданияти гуллаб-яшнаган гигант шаҳарларидан бирига айлантирди. Унинг муваффақиятлари кун сайин, ой сайин, йил сайин кўпайиб бормоқда. Айниқса партия XXII съездидан кейинги 1962 йилда қилинган ишлар янада самарали бўлди. Шаҳар саноати маҳсулот ишлаб чиқариш планини бажарибгина қолмай, қўшимча бир неча миллион сўмлик маҳсулотни ватанга туҳфа қилди. Лекин унинг истиқболига назар солсангиз, коммунизмга одим ташлаётган янги йилимизда янада катта ишлар қилинади. Бу ишлар ҳам КПСС Марказий Комитети ноябрь Пленуми ишлаб чиққан тарихий тадбирларни, улуғ Лениннинг партия ва давлатни бошқариш тўғрисидаги таълимоти, кўрсатмалари асос қилиб олинган қарорини амалга ошириш жараёнида муваффақиятли ҳал этилади. Худди мана шу катъий ишонч кейинги икки кун ичида бўлиб ўтган шаҳар коммунистларининг форумларида — район партия конференцияларида бирдамлик билан баён этилди.

ЭКОНОМИКА ЯНГИЧА БОШҚАРИЛАДИ

Ленин райони пойтахтимизнинг индустриал райони деб аталади. Бунинг боиси бор: кенг томир ёйиб кетган темир йўл магистрали. Ватанимиз осмонига пўлат қушларни парвоз эттирувчи граждан ҳаво флоти, ўнлаб оғир ва енгил саноат корхоналари шу ерда жойлашган. Унинг территориясида саноат индустрияси учун кадрлар тайёрлаб берадиган олий ўқув юртлари бор. Биргина транспорт инженерлари институти ўтган йили 700 дан зиёдроқ юқори малакали мутахассис етиштириб берди. Илмий текшириш ва медицина муассасалари ҳамда бошқа ташкилотларда неча минглаб зиёлилар ижодий меҳнат билан шуғулланмоқда.

Район партия конференциясида ана шу ташкилотларнинг вакиллари сўзга чиқиб, райком фаолияти ва ўз коллективларининг иши ҳақида ҳаяжонланиб гапирдилар.

Райком секретари ўртоқ В. В. Окунскийнинг ҳисобот докладида хўжалик соҳасида эришилган муваффақиятлар конкрет мисоллар билан айтиб ўтилди. Район саноати ўтган йилнинг 25 декабридаёқ ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш планини ошириб бажарди, йиллик пландан ташқари 4 миллион 243 минг сўмлик маҳсулот берди.

Докладчи ва музокараларда сўзга чиққан ўртоқлар партия раҳбарлигини қайта қуриш социалистик экономикани янада юксалтиришнинг муҳим омили эканлигини алоҳида таъкидлаб ўтдилар.

— Турмуш талабларини, экономикани янада юксалтириш истиқболини қанчалик чуқур ўрганиш намунасини ноябрь Пленуми ҳужжатларида янада равшан билдик, — деди тепловоз-вагон ремонти заводи партия комитетининг секретари ўртоқ Хлинин. — Биз Пленум қарорини ва ўртоқ Н. С. Хрущев докладини ўрганар эканмиз, асосий эътиборни ички резервлардан, техникадан самарали фойдаланишга қаратдик. Бизда бундай резервлар кўп.

— Биз ноябрь Пленумининг тарихий ҳужжатларини бригадамизда ўтказилган 4 машғулотда чуқур ўргандик, — деб сўзини бошлайди 274-қурилиш бошқармаси комплекс бригадасининг бошлиғи ўртоқ Шелгунов. — Пленум белгилаган тадбирлар биз, қурувчиларни беҳад қувонтирди. Фикримизча, янги режалар амалга оширилиши натижасида партия раҳбарлиги ишлаб чиқариш билан, ишчилар турмуши билан маҳкам боғланади.

«Автотрактородеталь» заводининг юк ташувчиси ўртоқ Тягов ўз коллективининг муваффақиятлари ҳақида гапириш билан бирга шаҳар ва район ижроия комитетлари ишчилар маданий-маиший турмуши ҳақида етарли қайғирмаётганликларини танқид қилди. «Таштрам» партия комитетининг секретари ўртоқ Смелова, Ўзбекистон ССР соғлиқни сақлаш министри Маъзумов ва бошқа ўртоқлар партия раҳбарлигини қайта қуриш хўжалик ишларини янада яхшилаш учун барча шарт-шароитни вужудга келтиришини таъкидладилар.

Октябрь район партия ташкилоти меҳнаткашларнинг куч-ғайратини, ички резервларни коммунистик қурилиш вазифаларини ҳал этишга сафарбар этиб, бу соҳада катта натижаларга эришди. Саноат корхоналари 1962 йил маҳсулот ишлаб чиқариш планини 114,8 процент бажарди.

Кейинги йилларда юз берган катта бурилиш уй-жой қурилишининг авж олдириб юборилганлигидир. Ўтган йилнинг ўзида 50 минг квадрат метрдан ортиқ уй-жой бинолари қурилиб, меҳнаткашлар ихтиёрига топширилди.

Докладчи — райком секретари М. Толипов ва конференция делегатлари ана шу ютуқларни кўрсатиш билан бирга ишда юз берган нуқсонларни очиб ташладилар. Фрунзе номли ва 4-тикувчилик фабрикалари, кўн-галантерея комбинати, кровать заводи йиллик планни бажармади.

Конференцияда КПСС Марказий Комитети ноябрь Пленуми ҳужжатлари меҳнаткашлар ўртасида қандай пропаганда қилинаётганлигига катта эътибор берилди. Ҳамма жойда тарихий Пленум материаллари юзасидан лекция ва суҳбатлар ўтказилаётганлиги, ишчи ва хизматчиларнинг йиғилишларида муҳокама қилинганлиги қониқиш билан қайд қилинди.

Делегатлардан чинни идишлар заводининг директори С. Хусайнов, 4-тикув фабрикасининг ишчиси М. Боботоева, трактор йиғув заводининг темирчиси Т. Ғалиуллин ва бошқа ўртоқларнинг таъкидлашича, ноябрь Пленуми қарори партия раҳбарлигини ишлаб чиқариш принципи асосида қайта қуришни тақозо этади. Бу, ҳеч шубҳасиз, катта самаралар беради.

РАҲБАРЛИК КОНКРЕТ БЎЛСИН

Фрунзе район партия конференциясида ана шу масалага алоҳида эътибор берилди. Райкомнинг биринчи секретари М. Муллаев ҳисобот докладида таъкидладики, партия ташкилотлари саноат ва капитал қурилишига раҳбарлик қилишда анча тажриба тўпладилар. Бу ҳол ишлаб чиқариш планларининг муваффақиятли адо этилишига ижобий таъсир этмоқда.

Саноат корхоналарининг коллективлари етти йилликнинг тўртинчи йили топшириғини анча ортиғи билан бажариб, планга қўшимча 1 миллион 762 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқардилар, меҳнат унумдорлиги 1961 йилга нисбатан 10 процент ўсди. Конференцияда ана шу ютуқлар соясида яшириниб ётган камчиликлар принципиал танқид остида очиб ташланди, ишлаб чиқаришдаги бой имконият ва резервлар кўрсатиб ўтилди.

— Корхонамизда, — деди Тошкент тўқимачилик комбинатининг директори З. Абдуллаев, — коммунистик меҳнат ҳаракати кенг қулоч ёймоқда. Бу ҳаракатда 6.5 мингдан ортиқ ишчи ва инженер-техник ходим қатнашмоқда.

Нотиқ комбинатнинг янада унумлироқ ишлашига халақит бераётган камчиликларга тўхталиб, район партия комитети, республика Қурилиш министрлиги ва Госпланни танқид қилди. Планлаштирувчи органлар, деди у, комбинатимиз имкониятини ҳисобга олмаган ҳолда план тузадилар.

Халқ хўжалиги кенгаши ва планлаштириш органлари фаолиятидаги камчиликларни 1-пойафзал фабрикасининг ишчиси ўртоқ Сафронова қаттиқ танқид қилди. Госплан ва Халқ хўжалиги кенгашининг айби билан бу корхона ўтган ойда бир неча кун бекор турди. Натижада 2300 жуфт пойафзал пландагидан кам ишлаб чиқарилди. Мен аминманки, деди нотиқ, ноябрь Пленуми қарори амалга оширилиши натижасида ана шу нуқсонлар тугатилади.

Конференцияда хўжаликка конкрет, ишнинг кўзини билиб раҳбарлик қилиш ҳақида қимматли маслаҳатлар берилди.

КАДРЛАР ТЎҒРИ ТАНЛАНСИН

Партия XXII съезди ва КПСС Марказий Комитетининг ноябрь Пленуми белгилаб берган вазифаларнинг муваффақиятли амалга оширилиши аввало кадрларга, уларнинг билим ва маҳоратига боғлиқ. Киров район партия конференциясида ана шу масалага райком секретари О. Акрамовнинг ҳисобот докладида ҳамда делегатларнинг сўзларида катта эътибор берилди.

«Узбексельмаш» ва асбобсозлик заводлари илгари қолоқ ҳисобланар эди. Ҳар икки корхона ишчан, ташкилотчи кадрлар билан мустаҳкамланди, коммунистлар ҳал қилувчи участкаларга қўйилди. Коллектив ўртасида идеология ишлари яхшиланди. Натижада ишда кескин бурилиш ясалди. Бир йил ичидаёқ бу корхоналар илғорлар қаторига ўтиб олди. Ўтган йили план топшириқлари ортиғи билан бажарилди.

Конференцияда ишлаб чиқаришга раҳбарлик қилишдаги нотўғри иш услуби қаттиқ қораланди. Жумладан, амалий ишда ўзини кўрсата олмаган кишилар моҳир ташкилотчи кадрлар билан дадил алмаштирилмаётир. Масалан, 159-қурилиш трестининг собиқ бош инженери Чернов ўзининг лаёқатсиз раҳбар эканлигини кўрсатди. Бироқ, Қурилиш министрлиги унга нисбатан ғалати позицияда турди. Чернов бошқарувчилик вазифасига, кейинчалик эса министрлик аппаратига кўтарилди. 4-мебель фабрикасида ҳам кадрлар танлашга шу қадар масъулиятсизлик билан қаралганки, бу ерда технолог вазифасига юрист, механик вазифасига новвой қўйилган.

Конференцияда кадрларни танлаш, тарбиялаш ва жой-жойига қўйишнинг ленинча принципларига қатъий риоя қилиш ишда муваффақият қозониш гарови эканлиги, район партия комитети худди шу йўлни оғишмай амалга ошириши зарурлиги алоҳида кўрсатиб ўтилди.

Идеология иши партиямиз фаолиятида муҳим ўрин тутади. XXII съезд белгилаб берган улуғвор вазифаларнинг муваффақиятли ҳал этилиши кўп жиҳатдан ана шу ишнинг қандай йўлга қўйилганлигига боғлиқдир. Куйбишев район партия конференциясида ҳисобот доклад қилган райкомнинг биринчи секретари ўртоқ А. И. Бродова ва музокараларда қатнашган нотиқлар идеология ва ташкилотчилик ишлари маҳкам қўшиб олиб борилганида сиёсий ва хўжалик вазифалар муваффақиятли бажарилишига доир кўпгина мисолларни айтиб бердилар.

Буни «Ташсельмаш» заводининг ўртоқ Қосимов пропагандистлик қилаётган конкрет экономикани ўрганиш тўгараги иши мисолида яққол кўриш мумкин. Машғулотларнинг бирида маҳсулот таннархини камайтириш йўллари ўрганилаётган эди. Тўгарак қатнашчилари ҳар бир ишчининг бу соҳада ўз резерви борлигини айтиб, таннархни камайтиришга доир қимматли таклифлар киритдилар. Шу куни коллектив фикри катта бир масалани кўтариб чиқди. Ишчилар эски иш нормаларини қайта кўриб чиқиш ташаббусини бошлаб бердилар. Ҳозир бу ташаббус республикамиздаги кўпчилик корхоналарда кенг қўллаб-қувватланмоқда.

Аммо идеология иши ҳозирги замон талаблари асосида олиб борилмаётганлиги, айрим раҳбар ходимлар сиёсий иш билан етарли шуғулланмаётганлиги конференция делегатларининг нутқларида очиб ташланди. Масалан, пахта териш бўйича махсус конструкторлик бюросининг директори Жидовцев ва партия ташкилотининг секретари Мирзааҳмедов ўртоқлар сиёсий ишга етарли эътибор бермайдилар.

Конференцияда меҳнаткашларни коммунистик руҳда тарбиялашда партия, совет, касаба союз, комсомол ва бошқа жамоат ташкилотларининг ролини кучайтириш зарурлиги алоҳида уқтириб ўтилди.

ЯНГИ НОМЛАР. ЯНГИ УЙЛАР

Республикамизнинг пойтахти Тошкентда янги ташкил топган Чилонзор район партия ташкилотининг биринчи конференциясида Тошкент шаҳар партия комитетининг биринчи секретари ўртоқ Қ. М. Муртазоев «КПСС Марказий Комитети ноябрь Пленумининг қарори ва Чилонзор район партия ташкилотининг вазифалари тўғрисида» доклад қилди.

— СССР Министрлар Совети, — деди докладчи, — 1962 йил 13 августда Тошкент шаҳрида уй-жой қурилишини янада кучайтириш ва ободончилик даражасини ошириш тўғрисида қарор қабул қилди. Бу партия ва ҳукуматимизнинг республикамиз пойтахтини янада гуллатиб-яшнатиш ҳақидаги янги ғамхўрлигидир. Қарорга кўра 1963—1965 йилларда Чилонзор райони территориясида 800 минг квадрат метрга яқин уй-жой қурилади.

Чилонзор саноат ва қурилиш районидир. Бу ерда 23 саноат корхонаси, 18 қурилиш ташкилоти жойлашган. Бундан ташқари кўплаб маданий-маиший, маданий-оқартув муассасалари бор.

Бироқ, ҳамма имкониятлар бўла туриб, ўтган йили етти корхона маҳсулот ишлаб чиқариш планини бажармади. Қурилишнинг тақдирини ҳал қилаётган 153-қурилиш трести гарчи ўз олдига қўйилган вазифани бажараётган бўлса-да, сифат кўрсаткичи жиҳатидан кейинда қолмоқда.

Докладчи ва музокараларда қатнашган Тошкент Халқ хўжалик институти партия бюросининг секретари Г. Габзалилов, 1-қурилиш бошқармасининг бошлиғи В. Г. Курбатов ва бошқа ўртоқлар янги районнинг истиқболи ҳақида гапирдилар.

* * *

Конференцияларда район партия комитетларининг янги составлари ва Тошкент область саноат партия ташкилотининг биринчи конференциясига делегатлар сайланди.

Конференциялардан кейин бўлиб ўтган пленумларда ташкилий масалалар муҳокама қилинди. Ленин райкомининг биринчи секретарлигига В. В. Окунский, Октябрь райкомига — М. Толипов, Чилонзор райкомига — О. Соқиев, Куйбишев райкомига — М. Я. Буреш, Киров райкомига — О. Акрамов ва Фрунзе район партия комитети биринчи секретарлигига М. Муллаев ўртоқлар сайландилар.

Х. ЁДГОРОВ,
М. НАЗАРОВ,
А. НАБИХЎЖАЕВ.

Хосиятхон Саидкаримова ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда ўқиб, яхши натижаларга эришаётир. У Тошкент Давлат университети филология факультети кечки бўлимининг 2-курсида ўқимоқда. Тошкент пайпоқ-трикотаж фабрикасининг бу меҳнатсевар ишчиси устки ҳамда ички трикотаж буюмлар тайёрлайдиган турли типдаги машиналарни бемалол бошқара олади. Хосиятхон шу йилнинг апрель ойи ҳисобига маҳсулот ишлаб чиқаряпти.

В. Лейзерович фотоси.
(ЎзТАГ фотохроникаси).

МАЪМУРИЙ БИНОЛАР—МАКТАБЛАРГА, ДАВОЛАШ МУАССАСАЛАРИГА

Ғазалкент посёлкасининг марказида икки қаватли муҳташам бино қад кўтариб турибди. Бу бинода илгари Бўстонлиқ район партия комитети жойлашган эди. Эндиликда бу катта бино мактабга берилди. Бино бир оз қайта қурилганидан кейин унда ўрта мактабнинг уч юз ўқувчиси таълим ола бошлайди.

КПСС Марказий Комитети ноябрь Пленумининг қарорига биноан раҳбар партия ва совет органлари ишининг қайта қурилиши Тошкент областида кўпгина маъмурий биноларни бўшатиш имконини берди.

Оҳангарон район партия комитетининг собиқ биносида тўрт юз ўқувчига мўлжалланган мактабни, Пискент район партия комитети бўлган бинода болалар яслиси ва болалар боғчасини жойлаштиришга қарор қилинди. Медицина ходимлари собиқ комсомол район партия комитетининг биносини ўз ихтиёрларига олмоқдалар. Илгари Пискент район ижроия комитети эгаллаб турган бино қишлоқ хўжалигини механизациялаш мактабига олиб берилди. (ЎзТАГ).

ЗАНГОРИ ЁНИЛҒИ ЗАПАСЛАРИ КЎПАЙМОҚДА

Давлат комиссияси «Жанубий Муборак» конидаги табиий газ запасларини тасдиқлади. Бу ерда 17 миллиард кубометр зангори ёнилғи ҳисобга олинди.

Ана шу газ манбаларида арзон ёнилғи чиқариладиган кучли корхоналар барпо этиш мўлжалланади. Бу ердан, Қарши даштининг шимолий қисмидан Муборак—Тошкент газ қувури бошланиб кетади. 500 километрли янги магистраль Ўрта Осиёнинг асосий ёнилғи йўлига — Бухоро — Самарқанд — Тошкент — Чимкент қувурига қўшилиб, Чимкентдан Фрунзега ва Олмаотага ўтказиш мўлжалланаётган газ қувурини ёнилғи билан таъминлайди.

Етти йилликнинг бешинчи йилида Ўзбекистон геологлари Бухоро — Хева нефть-газ вилоятининг ер ости бойликларини қидириш ва разведка қилиш ишларини кенгайтирадилар. Қизилқумдаги Янгиқазған манбаида чуқур қудуқ пармаланди. (ЎзТАГ).

Хатлардан сатрлар

⊙ Марҳамат районидаги Калинин номли колхоз қишлоғида **касалхона, туғруқхона, болалар боғчаси бинолари** қуриб битказилмоқда. Хонадонлар газлаштирилмоқда.

С. ҲАЙДАРОВ.

⊙ Самарқанднинг Ўзбекистон кўчасида Давлат университети студентлари учун **беш қаватли ётоқхона биноси** қуриб битказилди. Шунингдек, бу кўчада қад кўтарган икки қаватли магазинда савдо-сотиқ бошланди.

М. ОМОНОВ.

⊙ Яккабоғ колхозлараро қурилиш ташкилоти коллективи ўтган йили пландаги 398 минг сўм ўрнига **442 минг сўмлик қурилиш ишлари бажарди.** Яккабоғ темир йўл станциясидаги колхоз бозорида ҳам янги қурилишлар қад кўтармоқда.

Ш. МАҲМУДОВ.

ЖАМОАТЧИЛИК ЙЎЛИ БИЛАН

ФАРҒОНА, (**«Қизил Ўзбекистон» мухбири**). Давлатни идора қилишда, жамоат ишларида меҳнаткашларнинг иштироки тобора ошмоқда. Барча соҳаларда ташкилот ва муассасаларда кўпгина ишлар жамоатчилик йўли билан қилинаётгани КПСС XXII съездининг тарихий қарорлари амалда бажарилаётганидан дарак беради. Ҳозир Фарғона областидаги партия ташкилотларида 30 дан ортиқ жамоатчилик асосида ишловчи комиссия, пропагандистларнинг 33 та методик кенгаши иш олиб бормоқда.

Кўргазмали агитацияни ташкил этувчи 14 кенгаш, матбуот тарқатувчи 83 кенгаш ишлаб турибди. 400 дан ортиқроқ штатсиз раҳбар ходимлар КПСС Марказий Комитети ноябрь Пленуми материалларини пропаганда қилишда актив қатнашмоқда. Идеология ишларини уюштиришда жамоатчилик усули кенг қўлланилмоқда.

Шу кунларда 28 та халқ университети ҳузурида 36 факультет, шу жумладан уч жойда коммунистик тарбия, 9 та соғлиқни сақлаш, бешта техника тараққиёти, 6 та музика ва адабиёт факультети ишлаб турибди. Қўқон, Марғилон ва Қувасойдаги маданият университетлари бу соҳада намунали иш олиб бормоқда

Фарғона областининг шаҳар ва қишлоқларида жамоатчилик йўли билан иш олиб бораётган ташкилот ва муассасаларнинг сони тобора кўпаймоқда.

И. ТУХТАСИНОВ.

ТАШАББУС

В. И. Ленин номидаги Тошкент Давлат университети тарих факультетининг студентлари атеистлар клубини ташкил этиб, яхши ташаббус кўрсатдилар. Клуб аъзолари — студентлар пойтахтдаги маҳаллаларда, корхоналарда, мактабларда лекция ва савол-жавоб кечалари ўтказмоқдалар. Жумладан, клуб аъзоларидан Ғ. Умаров, С. Тожибоева, А. Бойқораев ва бошқа ўртоқлар Киров ва Октябрь район маҳаллаларида бўлиб, ислом динининг реакцион моҳияти ҳақида лекциялар ўқидилар.

Атеистик клубга тарих фанлари кандидати Х. Ерзин раҳбарлик қилмоқда.

А. НИШОНОВ.

КОММУНИЗМ ЙЎЛИДА ИЖОД ҚИЛАЙЛИК

ҲАЁТБАХШ САНЪАТ УЧУН

Ўзбекистон Рассомлар союзининг 8 январда ўтказилган очиқ партия йиғилишида ижодий масалалар тўғрисида қизғин фикр олишув бўлди. Бу йиғилиш партия ва ҳукумат раҳбарларининг адабиёт ва санъат арбоблари билан учрашувига бағишланди. Йиғилишда совет тасвирий санъатини янада юксалтиришга тааллуқли муҳим масалалар муҳокама қилинди.

Ўзбекистон Рассомлар союзи правлениесининг раиси И. И. Икромов ўз докладида бундай деди:

— Партия ва ҳукумат раҳбарларининг адабиёт ва санъат арбоблари билан учрашувлари яхши традиция бўлиб қолди. Бу учрашувлар совет санъати ғоявий позицияларининг поклиги ва мустаҳкамлиги учун, санъатимизнинг асосий йўли — социалистик реализмнинг қарор топиши учун кураш шиори остида ўтмоқда. Совет тасвирий санъатини ривожлантириш тўғрисида ҳормай-толмай ғамхўрлик кўрсатаётганликлари учун Ўзбекистон рассомлари партия ва ҳукуматга чин кўнгилдан ташаккур билдирадилар.

17 декабрда Москвада ўтказилган учрашув Москва рассомлари виставкасини бориб кўриш вақтида Н. С. Хрущев бошлаб берган фикр олишувнинг давоми бўлди. Совет санъатининг традицияларини қадрлаётган кишилар формалистларнинг, абстракционизм тарафдорларининг хуружларига бефарқ қарай олмайдилар. КПСС Марказий Комитетининг секретари Л. Ф. Ильичев ўз нутқида санъат соҳасидаги ана шундай ҳоллар тўғрисида партиянинг фикрини изҳор қилди. Л. Ф. Ильичевнинг бу нутқида бемаъни ва бемақсад абстракционизм йўлига ўтган айрим рассомларнинг «ижоди» қаттиқ танқид қилинди.

Музокараларда сўзга чиққан санъатшунос С. М. Круковская айтадики, абстракционизм янги, гўзал келажакни барпо қилаётган совет кишисига ётдир. Айрим беқарор санъаткор ёшлар «ижоди»нинг бутун халқ томонидан қораланганлиги буни исбот этади. Санъатнинг кекса арбоблари ёшларнинг ижодий ўсишига ғоявий жиҳатдан йўл кўрсатишлари ва маҳорат эстафетасини бемалол топшириш мумкин бўлган муносиб ўринбосарларни тайёрлашлари керак.

Ўзбекистон ССР халқ рассоми Л. Абдуллаев формализмни ва абстракционизмни қоралаб бундай деди: Биз санъатимизда совет кишисини, совет воқелигини камситадиган натурализм кўринишларига эътибор қилмай қололмаймиз.

Санъаткор, деди санъатшунослик фанлари кандидати Р. Х. Такташ, ким учун ижод қилаётганлигини доим эсда тутиши лозим. Совет кишиси ўзи тўғрисида асарлар яратилишига, шарафли меҳнатининг мадҳ этиб куйланишига сазовордир. Совет кишиси санъат асарларида ўз даври, ўз фикри ва идеалларининг акс эттирилишини истайди.

Санъатшунослик фанлари доктори Л. И. Ремпель айтдики, партия ва ҳукумат раҳбарларининг адабиёт ва санъат арбоблари билан учрашувида кўпгина муҳим масалалар ўртага қўйилди. Санъатшунослар ўз фаолиятининг аҳамиятини чуқур тушуниб олишлари керак. Танқид принципиал, холис бўлиши керак, социалистик реализм методини ривожлантиришга ёрдам бериши лозим.

Шундан кейин сўзга чиққан рассом Т. А. Оганесов рассомларни Союзга қабул қилиш масаласига жиддий қараш кераклиги тўғрисида, Союз аъзоси деган фахрли номни бадиий жиҳатдан юксак асарлар яратиш билан оқлаш керак эканлиги тўғрисида гапирди. У, давлат маблағларидан мақсадга мувофиқ фойдаланиш тўғрисидаги масалани ҳам кўтарди. Т. А. Оганесов айтдики, рассомларнинг асарларини халқ ўртасида кенг муҳокама қилиш керак. Виставкалар ташкил этишнинг бир ўзигина кифоя эмас. Саноат корхоналарига, колхозларга бориб туриш керак. Ижодий асарлар кимларга бағишланган бўлса, шуларнинг фикрини билиш керак.

Санъатшунос М. А. Соколова ва ҳайкалтарош К. Салоҳиддинов саноат корхоналаридаги бадиий цехларнинг ходимлари олдига жиддий талаб қўйиб, уларнинг бемаъни, саёз асарларни кўп нусха нашр этаётганликларини, Совет Ўзбекистонининг бой миллий декоратив санъатидан фойдаланмаётганликларини таъкидладилар.

— Кишиларни, — деди санъатшунос А. Умаров, — меҳнатни, ижодни севиш руҳида тарбиялаш керак. Бундан икки йил муқаддам Тошкент театр санъати институти студентлари орасида Ғарб сураткашлигига тақлид қилиш каби ҳоллар кўринган эди. Аммо, ана шу нуқсонлар ўз вақтида тузатилди. Кекса рассомларимиз ёшлар билан маҳкам алоқа боғлашлари керак.

Музокараларда сўзга чиққан санъатшунос М. В. Мюнц, рассомлардан С. С. Колибанов, В. И. Евенко, А. П. Ган, А. Е. Винер, Ч. Г. Ахмаров, В. М. Петров, М. Я. Шчировский ва бошқалар совет санъати арбобларининг халққа, коммунизм қурилишига садоқат билан хизмат қилишлари учун чексиз ижодий эркинлик яратиб берилганлиги тўғрисида гапирдилар.

Йиғилишда қабул қилинган резолюция совет санъатининг аҳволига партия томонидан берилган баҳони қизғин табриклайди. Ўзбекистон рассомлари ўз қалбларининг бутун ҳароратини, бутун куч ва қобилиятларини воқелигимизни, халқимизни мадҳ этиб куйлайдиган юксак бадиий асарлар яратишга бағишлайдилар.

Йиғилишда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари З. Р. Раҳимбобоева нутқ сўзлади.

СОВЕТ МУЗИКАСИГА ОПТИМИЗМ ХОСДИР

Ўзбекистон Композиторлар союзи коммунистларининг очиқ йиғилиши бўлиб ўтди. Партия ва ҳукумат раҳбарларининг адабиёт ва санъат арбоблари билан учрашувига бағишланган бу йиғилишда ёш композиторлар ва санъатшунослар ҳам қатнашди. Йиғилишда Ўзбекистон Композиторлар союзи правлениесининг раиси С. Бобоев доклад қилди. У Никита Сергеевич Хрущев бошлиқ партия ва ҳукумат раҳбарларининг адабиёт ва санъат арбоблари билан учрашуви ҳақида гапириб берди. С. Бобоев ва музокарада сўзга чиққан композиторлар, музикачилар, Тошкент давлат консерваториясининг педагоглари бу учрашув мамлакатимизда санъатнинг ҳамма турларини янада ривожлантириш учун ғоят катта аҳамиятга эга эканлигини таъкидладилар. Ўртоқ Н. С. Хрущевнинг баён этган фикрларида, КПСС Марказий Комитети секретари ўртоқ Л. Ф. Ильичевнинг нутқида бизнинг халқимизга турмуш ҳақиқатини акс эттирувчи санъат, катта идеялар санъати, совет кишисининг юксак идеаллари санъати керак эканлиги яққол кўрсатиб берилди.

Композитор А. Ф. Козловский ўз нутқида, совет музикасига оптимизм хосдир, деб айтди. Ҳаётнинг ўзи бутун инсониятнинг порлоқ истиқболига ишонч билан тўлган музика асарлари яратишни тақозо қилади.

Барча адабиёт арбобларига берилганидек, совет композиторларига ҳам халққа садоқат билан хизмат қилишда, коммунизм қурилишида ҳақиқатан ҳам чексиз ижодий эркинлик берилган. Бу — чинакам эркинликдир ва бадиий асарларни яратувчи чин ижодкорларга бошқа ҳеч қандай эркинликнинг кераги йўқ.

Нотиқларнинг таъкидлашича, Ўзбекистон композиторлари ижодкор ёшларни тўғри тарбиялаш йўлида систематик иш олиб боришлари, коммунизм қурувчиларининг ишлари ва фикрлари улуғворлигини чуқур ва ҳаққоний очиб беришда санъатнинг янада равнақ топишига бутун кучлари билан ёрдам беришлари лозим.

Композитор Ш. Рамазонов Ўзбекистон композиторлари марксча-ленинча философияни чуқур ўрганишлари, профессионал маҳоратни, халқ музикасининг бой меросини астойдил эгаллашлари лозим, деди. Композитор В. А. Хаэт ўз нутқида Тошкент Давлат консерваторияси бу ишда катта роль ўйнаши лозимлигини таъкидлади.

Ўзбекистон Композиторлар союзи коммунистларининг очиқ йиғилиши қатнашчилари совет санъатидаги ишларнинг аҳволига партия томонидан ленинча баҳо берилганлигини қизғин табрикладилар. Бундай баҳо беришда совет санъат интеллигенциясининг юксак ғоявийлигига, ижодий кучларига Коммунистик партиянинг чуқур ишонганлиги ифодаланди.

(ЎзТАГ).

В. И. Ленин номидаги Тошкент Давлат университетининг химия полимерлари лабораториясида химик-олимлар табиий газдан ва суперфосфат заводларининг чиқиндиларидан синтетик моддалар олиш ва уларнинг хусусиятларини ўрганиш устида иш олиб бормоқдалар. Суратда: лаборант С. НАСРИДДИНОВ лабораторияда.

В. Сваричевский фотоси.
(ЎзТАГ фотохроникаси).

СЎНГГИ ПОЧТАДАН

ДЎСТЛИК МАШЪАЛИ

Янги йил арафасида Урганчда Бухоро газининг дўстлик машъали порлади. Шу муносабат билан шаҳар меҳнаткашларининг кўп кишилик митинги бўлиб ўтгани газеталарда хабар қилинган эди.

«Бухоро ҳақиқати» ва **«Хоразм ҳақиқати»** газеталарининг 6 январдаги қўшма сонлари ана шу қувончли воқеага бағишланди. Унда турли хабарлар, мақола ва зарисовкалар, фотосуратлар босилди. Ҳар икки газета «Бухоро хуршиди Хоразмда» деган катта сарлавҳа билан очилади.

«Газ кириб келди, жонимиз ҳузур топди. Ўтин-кўмир ташишдан қутулдик. Ёзни ёз, қишни қиш демай ишлаб, «зангори олов» етаклаб келаётган қаҳрамон қурувчиларимизга офарин» деб ёзади Урганч шаҳрида яшовчи Бека Саидмуродова.

Газетада пармалаш мастери, СССР Олий Советининг депутати Э. Ҳикматов, Хоразм область ижроия комитетининг раиси Н. Муродов, Бухородаги пиллакашлик фабрикасининг директори С. Аҳмедбоев, Хоразм область газлаштириш трестининг слесарь монтажчиси М. Шарипов, Томди районидаги «Оқтов» совхозининг чўпони, икки марта Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Ж. Балимонов ва бошқаларнинг мақолалари ҳамда «Оловкорлар даврасида» ва «Қалби кенг, виждони пок кишилар» сарлавҳали лавҳалар босилган.

Бухороликлар пахтачилик соҳасида машъал бўлиб нур сочаётганлари учун хоразмликларга миннатдорлик билдирсалар, хоразмликлар дўстлик ҳарорати олиб келганликлари учун бухороликлардан мамнун эканликларини изҳор қиладилар.

Ҳар икки газета редакцияси дўстлигимиз рамзи сифатида ўзларининг қўшма сонларини чиқариб, газетхонларни хурсанд қилдилар.

МЕХАНИЗАТОРЛАР КУРСИ

Колхозларни мутахассис кадрлар билан таъминлаш мақсадида «Узсельхозтехника»нинг Самарқанд район бўлими ҳузурида 3 ойлик тракторчилар тайёрлаш курси очилди. Курсда 30 колхозчи ўқимоқда.

Ҳ. Иброҳимов.

СУТ ҚИШДА ҲАМ КАМАЙМАЙДИ

Самарқанд областидаги «Булунғур» совхозида 1962 йилда сигирлардан кўп сут соғиб олишга муваффақ бўлинди ва сут сотиш йиллик плани муддатидан илгари бажарилди. Моҳир сут соғувчилар шу қиш кунларида ҳам сигирларни яхши парвариш қилиш туфайли кўп сут соғиб олишга муваффақ бўлмоқдалар.

Л. СУВОНҚУЛОВ.
«Қизил Ўзбекистон»нинг штатсиз мухбири.

ГРУППА УСУЛИДА

Кенг дала. Кучли тракторларнинг овози кеча-кундуз тинмайди. Ўрта Чирчиқ районидаги Карл Маркс номли колхоз механизаторлари кўклам экишига ана шундай тайёргарлик кўрмоқдалар. Далада 11 та ҳайдов трактори ишламоқда. Қадим Мамедов, Тўйчи Мираҳмедов, Николай Тен ўртоқлар бошлиқ бригадаларда ерлар аллақачон сифатли шудгор қилиб қўйилган.

Колхознинг бошқа бригадаларида ерларни шудгорлаш группа усулида ташкил этилган. Ҳамма тракторлар бир массивдаги ерни ҳайдайди. Бунинг натижасида иш суръати тезлашди, ёнилғи, сув, мойлаш материалларини ташиш осонлашди. Иш ана шундай ташкил этилганлиги сабабли Анатолий Орловский, Максим Цой, Алексей Пак, Исроилов, Маҳмудов каби механизаторлар кунлик ер ҳайдаш нормасини бир ярим ҳисса бажармоқдалар.

Колхозда кўчма устахона ишлаб турибди. Унга колхоз раисининг механизация бўйича ўринбосари ўртоқ Борсуков бошчилик қилмоқда. Кўчма устахона ходимлари тракторларнинг шикастланган қисмларини даланинг ўзида тез ремонт қилиб бериб механизаторларнинг унумли ишлашларига қулай шароит яратмоқдалар. Колхоз бўйича ҳозиргача 800 гектардан ортиқ ер ҳайдалди. Ҳайдаш олдидан ҳар гектар ерга кўп миқдорда минерал ва маҳаллий ўғит аралашмаси солинди. Агроном ўртоқ Ким Чан Сун шудгорлаш сифатини текшириб бораётир.

Колхоз пахтакорлари Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг бўлажак пленумини экишга пухта тайёргарлик кўриш, далага белгиланган миқдорда гўнг ташиб чиқариш ва техника ремонтини тугаллаш билан кутиб олиш учун астойдил меҳнат қилмоқдалар.

П. ИВАТУЛЛИН.

ЭКИШ КАМПАНИЯСИГА АТАБ

Республика нашриётлари далаларни экишга тайёрлаш, уруғлик чигитни тозалаш, колхозларнинг ички суғориш тармоқларини механизмлар ёрдами билан тозалаш ҳақида китоб ва брошюралар, шунингдек 1963 йилнинг кўкламига тайёргарликка бағишланган китоб ва брошюраларни нашр этмоқда.

Ўзбекистон Маданият министрлиги экиш кампаниясига доир адабиётларни нашр этиш планини тасдиқлади. Пахтачилик, чорвачилик, пиллачилик ва сабзавотчиликдаги машъалаларнинг тажрибасини акс эттирувчи брошюраларни чиқариш кўзда тутилади. «Чигит экишни намунали ўтказайлик», «Уруғни аниқ ташлайдиган сеялка билан чигит экингиз» ва бошқа темалардаги чиройли плакатлар кўп нусхада чиқарилади. (ЎзТАГ).

* * *

ТОКАРЬ Аҳрор Содиқов шу йил ўрта мактабни тамомлади. У ҳозир политехника институтига кириш учун тайёрлик кўрмоқда. «Узбексельмаш» заводининг серғайрат ишчиси ўртоқ Содиқов смена топшириқларини 130 процентга етказиб адо этаётир. Суратда: А. Содиқов.

Р. Жабборов фотоси.

МУТАХАССИС МАСЛАҲАТИ

Я Х О Б

Утган йили илғор область ва районлар, колхоз ва совхозлар қишлоқ хўжалигини ривожлантиришда янги ютуқларни қўлга киритдилар. Хоразм областининг пахтакорлари ҳар гектар ердан 29,4 центнердан ортиқ ҳосил йиғиштириб олдилар. 2 территориал ишлаб чиқариш бошқармаси, 17 район, 200 колхоз, бир неча совхоз пахта тайёрлаш планини тўла ва ошириб адо этди.

Бу муваффақиятга асосан кузги-қишки тадбирларни ўз вақтида ва юқори сифатли ўтказиш туфайли эришилди. Илғор колхоз ва совхозларда ер кузда сифатли шудгор қилиб қўйилгани, ернинг шўри яхшилаб ювиб йўқотилгани, қондириб суғорилгани, трактор ва қишлоқ хўжалик машиналари вақтида тахт қилингани ва бошқа тадбирлар пухта ўтказилгани учун баҳорги ишлар кескин енгиллашди. Яхоб берилган жойларда чигит эрта муддатларда, ернинг ўз намига текис ундириб олинди, сув танқислиги унча сезилмади, ғўза тез авж олиб ривожланди.

Бу фактлар шуни кўрсатиб турибдики, ерга яхшилаб яхоб берган хўжалик тупроқда намни кўпроқ тўплаш имкониятига эга бўлади. Бундай майдонларда чигит суви беришга ҳожат қолмайди. Натижада экиш ва чигитни ундириб олиш билан боғлиқ бўлган ишлар 1,5-2 баравар қисқаради. Меҳнат ва маблағ кам сарфланади, маҳсулот таннархи камаяди. Энг муҳими — ғўза парваришини барвақт бошлаб юбориш, кейинги агротехника тадбирларини ҳам ўз вақтида ўтказиш учун шароит вужудга келади.

Илғор колхоз ва совхозлар ана шуларни кўзлаб иш тутмоқдалар. Вобкент ишлаб чиқариш бошқармасидаги Жданов номли колхозда 938 гектар пахта майдонидан 600 гектари шудгор қилинди. Бу ерларга ҳозир яхоб берилмоқда. Марҳамат ишлаб чиқариш бошқармасидаги «Правда Востока», Калинин ишлаб чиқариш бошқармасидаги «Қизил Ўзбекистон» колхозлари ва бошқа шу каби пешқадам хўжаликларда ҳам шудгор қилинган ерларга яхоб бериляпти.

Лекин, умуман олганда, республикамизда ерларга яхоб бериш кечиктириб юборилаётир. Колхоз ва совхозларда 500 минг гектар ерга яхоб бериш планлаштирилган бўлса, шундан 73,1 минг гектар ерда бу тадбир ўтказилди. Сурхондарё областида бу соҳада анча кўп иш қилиняпти. Бу ерда планлаштирилган 140 минг гектар ердан 64,3 минг гектарига яхоб берилди. Аммо Самарқанд, Бухоро, Андижон областларида яхоб беришга 1 январгача ҳам киришилмади. Ҳолбуки Андижон областида 50 минг, Самарқанд областида 90 минг, Бухоро областида 35 минг гектар ерга яхоб берилиши керак. Бу тадбир Тошкент ва Фарғона областларида ҳам жуда суст боряпти.

Ишнинг орқага сурилаётганлиги шундан далолат берадики, кўпгина колхоз ва совхозларнинг раҳбарлари қор ва ёмғир сувига умид боғлаб, яхоб беришни ташкил этмаётирлар. Қор ва ёмғирга ишониб, ерга яхоб бермаслик жиддий хатодир. Чунки қор ва ёмғир ҳар қанча кўп ёғса ҳам, яхобнинг ўрнини босмайди, фақат яхобга кўмакчи сифатида хизмат қилади. Яхоб қор ва ёмғир суви билан қўшилиб, бир метр чуқурликкача сингади. Яхоб беришдан мақсад ҳам ана шудир.

Утган йили ёзда канал ва дарёларда сув жуда кам оқди. Кўпгина колхоз ва совхозларда экинлар қониб сув ичмади. Тупроқ анча қуриб қолди. Бу, баҳорда экинлар уруғини, айниқса чигитни текис ундириб олишга ёмон таъсир қилиши мумкин. Бундай майдонларда ғўза сийрак бўлади, ҳосили камайиб кетади. Бунинг ҳозирдан олдини олиш, яъни ерни яхобга тўйдириш орқали тупроқда намни кўпайтириб, чигитни текис ундириб олиш учун ҳозир шароит яратиш керак.

Яхобнинг бошқа афзалликлари ҳам кўп. Чунончи, яхоб қишлоқ хўжалик зараркунандалари, ҳашарот ва ўсимлик касалликларига қарши курашда энг муҳим чоралардан биридир. Кўп йиллик тажрибалардан маълумки, яхоб ичган майдонларда зараркунанда ва ҳашарот бу тадбир ўтказилмаган участкалардагига қараганда 50-60 процент, ҳатто ундан ҳам зиёд кам тарқалади. Чунки яхоб тупроқда қишлаб қолган ҳашаротни кўплаб қиради.

Буни Қоракўл ишлаб чиқариш бошқармасидаги икки колхоз мисолида яққол кўриш мумкин. Бу ердаги «Октябрь» колхозида ўтган йили қишда ҳамма пахта майдонларига икки марта — январда ва февралда яхоб берилди, яхоб берилгандан кейин ҳаво совиб сув музлади. Натижада тупроқда қишлаб қолган ҳашаротлар совуқда қирилиб кетди. Шунинг учун ҳашарот деярли тарқалмади ва ҳосилга ортиқча зарар етказмади. 1280 гектар ернинг ҳар гектаридан 35 центнердан кўпроқ пахта олинди. «Москва» колхозида асосий майдонлар қишда суғориб қўйилмади. Бу — баҳорги ишларнинг кечикиб ўтказилишига сабаб бўлди, чигитнинг текис униб чиқмаслигига олиб келди. Бунинг устига, мавжуд ғўзаларни ҳам ўргимчаккана, карадирин кўплаб нобуд қилди. Оқибатда ҳосилдорлик бир йилда гектарига 5 центнер камайиб кетди.

Яхоб беришда сифатга алоҳида эътибор бериш талаб этилади. Агротехника қоидаси яхобни чуқур эгат орқали беришни тақозо қилади. Ғўзани ўсиш даврида суғориш учун эгат қандай олинса, яхоб бериш учун ҳам шундай олинади. Шундагина сув тупроққа чуқур сингади, яхобнинг афзаллиги ортади. Еппасига таралган сув тупроқни бир текис намламайди. Бунга йўл қўйиб бўлмайди. Колхоз ва совхозларнинг раҳбарлари, агрономлари яхоб беришни жадаллаштиришлари, ишнинг юқори сифатли ўтказилишига, суғоришдан олдин тракторлар билан албатта эгат олинишига эришишлари, бу ишга энг яхши сувчиларни танлаб қўйишлари, уларни иссиқ кийимлар ва пойафзал билан тўла таъминлашлари лозим.

Бу йил мамлакатга 3 миллион 400 минг тонна «оқ олтин» етказиб беришимиз, бошқа маҳсулотларни ҳам ҳар йилдагидан кўп етиштиришимиз керак. Бунга қишки тадбирларни юксак агротехника талаблари даражасида ўтказган, кўкламни шайланиб кутиб олган тақдирдагина эришиш мумкин. Партия ва совет ташкилотлари, ишлаб чиқариш бошқармалари, колхозларнинг раислари, совхозларнинг директорлари ана шуни унутмасликлари, планда белгиланган ерларнинг ҳаммасига яхоб бериш учун барча чораларни кўришлари зарур.

Б. МАҲМУДОВ,
агроном.

— Ер ҳам ҳордиқ чиқариши керак, — дейишади Тошкент область, Калинин районидаги илғор «Қизил Ўзбекистон» колхозининг миришкор деҳқонлари. Сахий ер қор кўрпаси остида ором оляпти. Мана бу ерлар аллақачон яхшилаб шудгор қилиб қўйилган эди. СУРАТДА: «Қизил Ўзбекистон» колхозининг шудгорланган далалари.

И. Глауберзон фотоси.

ТЕХНИКА ШАЙ БЎЛАДИ

Оққўрғон районидаги Свердлов номли колхоз механизаторлари кўклам экиш кампаниясига пухта тайёргарлик кўрмоқдалар. Колхоз устахоналарида иш қизғин. 22 «универсал»дан 12 таси ҳозирдаёқ сифатли ремонт қилиб қўйилди. 23 та «ДТ-54» тракторидан 8 таси ремонтдан чиқарилиб, техника кўригидан ўтказилди. Бу ерда кўклам экишига керак бўладиган бошқа техника ва асбоб-ускуналарни ремонт қилиш ҳам тез, сифатли олиб борилаётир.

Колхоз правлениеси ремонтчилар учун қулай иш шароити яратиб берган. Трактор паркида ошхона ишлаб турибди, ремонтчилар учун яхши жиҳозланган ётоқхона бор.

У. ИСМОИЛОВ.



ПАХТАНИНГ ЯНГИ СОРТИ

Андижон областининг хўжаликларида ўтган мавсумда маҳаллий селекциячилар етиштирган «152-Ф» маркали янги пахта сорти биринчи марта ишлаб чиқариш шароитида синовдан ўтказилди. Бу сорт ўзининг уч фазилати билан: вилт касаллигига қарши ғоят бардошлилиги, совуқ тушмасдан бурун ҳосилнинг етилиши, чигитдан ажратиладиган толанинг 38-39 процентга етиши билан деҳқонлар эътиборини ўзига жалб қилди.

Янги меҳмонни очиқ кўнгил билан кутиб олган Янгиқўрғон районидаги «Октябрь» ва «Ленинчи йўл» колхозлариннинг бир қанча бригадалари кутган натижага эришдилар. Териб олинган ҳосил гектарига қирқ центнер ва ундан ортиқ бўлди.

Бу йил кўкламда, деб хабар беришди ЎзТАГ мухбирига қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш ва тайёрлаш область бошқармасида, янги сорт Андижон колхоз ва совхозларида ўн минг гектардан кўпроқ майдонни эгаллайди. (ЎзТАГ).

ТЕЗПИШАР АРПА

Республикамизда миллион-миллион гектарлаб суғорилмайдиган, баҳорикор ерлар бор. Бу ерларда арзон ғалла, ем-хашак экинлари, мойли экинлар, қовун-тарвуз етиштирилмоқда. Самарқанд областидаги Баҳорикор деҳқончилик илмий текшириш институтининг олимлари бундай ерлардан унумли фойдаланиш, экиладиган экинларнинг навини кўпайтириш ҳамда ҳосилдорлигини ошириш устида ишламоқдалар. Ҳозиргача бу ерда қишлоқ хўжалик экинларининг 23 хил янги нави етиштирилди. Бу экинлардан кўплари районлаштирилди.

Институтнинг илмий ходими Ғани Қурбонов баҳорикор ерларда арпа селекцияси устида иш олиб бормоқда. Институт экспериментал хўжалигида арпанинг «Медикум», «Нутале-206» каби навлари яратилди. Бу навлар экилиб келинаётган «Унумли арпа» навига нисбатан анча тезпишардир. Қурбонов арпа устида олиб борган кўпйиллик кузатишлари асосида «Баҳорикор ерларда арпа селекцияси» деган темада диссертация ёқлаш учун тайёрланмоқда.

М. ОМОНОВ.

ШЕЪР — ИЖОДИЙ МЕҲНАТ МАҲСУЛИ

ШЕЪРЛАРГА ОБЗОР

Шеър, ҳикоя, драма ижодий меҳнат самараси эканини ким билмайди дейсиз. Республика матбуот органларига ҳар куни келаётган юзлаб адабий материалларни ўқир экансиз, адабиётга, айниқса шеъриятга қизиқиш кучли эканлигини сезасиз.

Матбуот органларига, жумладан, «Қизил Ўзбекистон» газетаси редакциясига ҳам кўплаб шеър келмоқда. Бунинг сабаби нимада? Ҳаётимиз гўзал ва сермазмун. Коммунистик жамият қуриш учун курашаётган совет халқи ҳар куни оламшумул ғалабаларни қўлга киритмоқда. Давримиз совет кишилари қалбини буюк ғурур ва чексиз сурур билан тўлдирмоқда. Ҳаётдан олинган бой таассуротни ифодалаш йўлларини қидириб кўпчилик авторлар поэзияга мурожаат этади. Чунки поэзияда, хусусан лирик поэзияда ёзувчининг ички кечинмалари акс этади. Иккинчи томондан, кўп кишилар шеър ёзиш прозаик ёки драматик асар яратишдан кўра осонроқ деб ўйлайдилар. Чунки ҳикоя, очерк, повесть, роман ёки пъеса ёзиш учун бирор воқеани тасвирлаш, характерлар яратиш зарур. Шеърнинг бўлса, йўриғи бошқа деб ўйлайдилар. Бундай кишиларнинг ўйлашича, вазн ва қофия бўлса бас, ўз ҳис-туйғуларингни ифодалай берасан, мисраларга ажратиб, маълум вазнга солинган ва қофияланган фикрлардан шеър ҳосил бўлар эмиш. Ҳолбуки бундай тасаввур шеърнинг вазифаси ва хусусиятларини юзаки тушунишдан келиб чиқади. Аслида, ҳақиқий шеър ёзиш яхши прозаик ёки драматик асар ёзиш каби қийин ва катта ижодий меҳнат талаб қилади.

Шундай авторлар ҳам борки, улар ўзлари ёзган нарса ҳақиқий шеър эканлигига қаттиқ ишонадилар ва бундай асарларнинг босилмаслигига ғаразгўйлик сабаб деб биладилар. Масалан, тошкентлик Нажот Бурхонов «Шеъримга ҳақиқат кўзи билан қараб, катта мурувват билан газета саҳифасида бостириб чиқарсаларинг, шоирлар ўртасида дўстликнинг бор эканлигига ишонар эдим», — деб ёзади. Бу шеър ҳам босилмай қолди. Нега? Аввал шеър билан танишайлик.

«Уч оғайни ботирлар» —
ердаги афсонадир.
Тўрт оғайни ботирлар —
қудратга нишонадир.
Осмон узоқ, ер қаттиқ эмас
энди бизларга
Қулоч ёздик чиқмоққа энг
узок юлдузларга.
Булбулга одат каби
чаманларда сайрамоқ
Бизларга одат бўлди ер-
осмонда айрамоқ.
Халқнинг истакларини биз
бугун раво қилдик.
Маърифатни инсоннинг дардига
даво қилдик.

Бу шеърнинг нимаси ёмон? Унда қофия борми? Бор (афсона-нишона: биз-юлдуз: сайра-йайра; раво-даво). Вазн борми? Бор (14 ҳижо). Туроқларда муайян тартиб сақланганми? Ҳа (7+7). Хўш бу шеъри билан автор нима демоқчи? Бу саволга жавоб бериш анча мушкул. Биринчи байтни олиб қарайлик. Унда тўрт совет космонавтининг парвози қудратга нишона дейилади. Тўғри. Бироқ бизда ҳозирнинг ўзидаёқ 5 ва 6 космонавтлар парвозга тайёр турибдилар-ку! Агар улар ва худди шундай парвозга тахт турган бошқа космонавтларимиз фазога кўтарилишса, унда афсонавий «уч оғайни ботирлар» ва «қудратга нишона» бўлган 4 оғайни ботирлар ҳақидаги сўз ўйинидан нима қолади? Шеър эскирадими? Ҳолбуки, ҳақиқий шеър эскирмаслиги керак. Демак юқоридаги байтга жуда катта воқеанинг энг муҳим томони (моҳияти) эмас, ташқи белгиларидан бири (миқдори)гина асос қилиб олинган. Ҳолбуки, гап миқдорда эмас. Шеърнинг якунловчи байтида авторнинг муддаоси ифодаланади. Мазкур байтда автор халқнинг асрий орзулари бизнинг давримиздагина ушалганлигини баён қилмоқчидай туюлади. Аммо инсоннинг қандай дарди ҳақида гап бораётгани ҳамон мавҳум.

Шеърнинг прозадан фарқи шундаки, унда сўзлар муайян ритмик тартибга эга бўлади. Вазн ва туркум, туроқ ва ритмик пауза, қофия ва бошқа элементлар шеърда катта роль ўйнайди. Бироқ булар нинг ҳаммаси фақат шеърнинг формасигина, холос. Шеърни ҳақиқий адабий асарга айлантириш учун фақат шеърий форманинг ўзигина кифоя қилмайди. Балки у чуқур мазмунга ҳам эга бўлиши зарур. Аниқроғи, шеърий техника фақат катта ижтимоий мазмунни ифодалашнинг воситаси бўлиб хизмат қилиши лозим. Демак, шеър мундарижа ва шаклнинг мана шундай диалектик бирлигидангина ҳосил бўлади. Шеърда пухта мазмун бўлмас экан, уни ҳеч қандай вазн ва ҳеч қандай қофия қутқара олмайди: қуруқ формал ўйиндангина иборат мазмунсиз сўз уюмини ҳеч ким ўқимайди.

Шу билан бирга биз ҳар қандай мазмунга эга бўлган шеърга ҳам лоқайд қарашимиз мумкин эмас. Матбуотда эълон қилинадиган ҳар бир асар совет кишиларини коммунизм ғоялари руҳида тарбиялашга ёрдам бериши зарур. «Эндиликда ҳар бир совет санъаткори, — деди КПСС Марказий Комитетининг секретари Л. Ф. Ильичев партия ва ҳукумат раҳбарларининг 1962 йил 17 декабрда адабиёт ва санъат арбоблари билан бўлган учрашувида, — адабиёт ва санъатнинг улуғ вазифасини, халқнинг коммунизм учун курашида ўзининг тутган ўрнини тағин ҳам кўпроқ ва чуқур англаб олиши мумкин. Коммунизм қурилишини авж олдириш даврига қадам қўйилган ҳозирги вақтда совет жамиятининг идеологик, маънавий ҳаётини ривожлантириш учун бадиий интеллигенциянинг масъулияти бенихоя ошди».

Ҳолбуки баъзи қаламкашлар совет адабиётининг чуқур партиявийлиги ва изчил халқчиллиги ҳақидаги бу талабларни унутиб қўймоқдалар.

Исфара шаҳарлик Р. Азизий деган ўртоқнинг газетага юборган «Чўпон тилидан чорвадор қизга» сарлавҳали материалида қуйидаги мисралар бор:

Оёғингда туфлингнинг
Пошнаси мен бўлсам
Ўзим тенгли келиннинг
Ошнаси мен бўлсам.
Меҳмонхона пешайвон.
Жой солдиргин, келинжон.
Меҳмон келса, «хўш» деган
«Меҳмонхона бўш» деган,
Баракалло, келинжон!

«Шеър» бошдан оёқ мана шу тарзда ёзилган. Бу гапларнинг поэзияга нима алоқаси бор?! Материалда чорвадор қизга чўпон йигитнинг самимий муҳаббати изҳор қилинган дейилса, бунга ким ишонади? Совет кишиси ахлоқига хилоф бўлган мана шу «шеър»ни босиб чиқариб, газета ҳам Р. Азизийнинг позициясига қўшилсинми? Матбуот инсон тарбиясини бузишга эмас, балки унда олижаноб, гўзал хислатларни тарбиялашга хизмат қилиши керак.

Шеър ёзиш учун ҳамма кишилар ва ҳамма даврлар учун умумий бўлган қоидалар мавжудми? Йўқ. «Худди мана шу шеър ёзиш қоидаларини яратувчи киши шоир деб аталади» (В. Маяковский). Бошқача қилиб айтганда, бундай қоидалар мавжуд, бироқ уларни ҳар бир шоир ҳар бир шеъри учун янгидан яратади.

Шоир бўлмоқчи бўлган киши ҳаётни тинмай кузатиши, воқеалар ҳақида чуқур мушоҳада юритиши, кишиликнинг бадиий тараққиётида тўпланган бой тажрибани танқидий ўзлаштириши шарт.

Афсуски, анчагина ҳаваскор шоирларимиз ҳаётни жуда юзаки кузатадилар. Уларнинг баъзилари ҳатто газетани ҳам диққат билан ўқишмайди. Шунга қарамасдан умумий гаплар тизмасини чалачулпа қофиялаб, редакцияларимизга юбора берадилар. Жумладан, Шаҳобиддин Ҳамдамовнинг «Мажбуриятлар муборак» шеърида шундай мисралар бор:

Устингизга олинган
Мажбурятлар муборак.
Мажбурятни бажариб.
Мукофотлар муборак.

Кўриниб турибдики, бу мисраларни ўқишга мажбур қиладиган бирорта арзигулик нарса йўқ. Автор «мажбурият» сўзини бузиб ёзган, туроқларга риоя этмаган, радифни қофия деб тушуниб ўз «шеъри»ни қофиядан ҳам маҳрум қилиб қўйган. Т. Нишонов, К. Мусаев, И. Валиев, С. Машарипов, Р. Мирзаолимов, Ҳ. Исмоилов, А. Эрматов, А. Айимбетов, Р. Айтмуродов, Р. Рўзиматовларнинг шеърларида ҳам юқоридаги нуқсонларни учратиш мумкин.

Умумийлик айниқса ёш, тажрибасиз ёзувчилар учун ниҳоят даражада хавфлидир. Баъзан оригиналлаштираман деб ўз асарларида бўлар-бўлмас тасвирий воситаларни ишлата бериш ҳоллари ҳам учрайди. Ҳолбуки, бадиий ифода воситаларини тасвирнинг логикаси талаб қилган ўриндагина қўллаш керак. Акс ҳолда шеър «оғирлашиб», маънони англаш мушкуллашади. Газета ва журналларга юборилаётган қатор шеърларнинг авторлари ўз асарлари олдига, каттароқ ижтимоий масалаларни қўйишга интилмайдилар. Чунончи, У. Қурбонов газетага ўзининг «Майли, Дилором» деган шеърини юборган. Унда айтилишича, қаергадир Дилором деган қиз кириб келади. Автор унга ўз севги мактубини тақдим этади: қиз эса унга: «аввал ўқинг, ё меҳнатда ном чиқаринг, кейин турмуш қуриш бир гап бўлар», — деган мазмунда жавоб беради. Автор ҳам бунга рози бўлади ва ўз шеърини шундай тугатади:

Майли гулим, майли эй баҳор!
Ундай бўлса, бизлар бахтиёр,
Шу туфайли аҳдим паймона,
Шу туфайли қалбим шодмона.

Бу шеърдан ўқувчи учун ибратли нима бор? Унда бирор катта ижтимоий хулоса ифодаланган гапдирда «аҳдим паймона», «қалбим шодмона» каби ғайритабиий, сунъий ибораларни ўқирмидик. Хўп, автор бир қизни севибди, у қиз эса «тўй кечроқ бўлади» дебди, йигит ҳам бунга рози экан. Нима учун уларнинг бу сирини миллионлаб ўқувчи ўқиши керак? Қизиғи шундаки, автор бу асарининг поэтик техникаси ҳақида аниқ тасаввурга ҳам эга эмас. Шу сабабли у редакцияга ёзади: «Шеърни қайта ишлаб юбордим. Илтимос сиздан шеърнинг қофияси, туроқи, вазни, композицияси ҳақида ёзиб юборинг». Қизиқ, автор шеър техникаси ҳақида оддий тасаввурга эга эмас-ку, шеър ёзиш мумкин деб ҳисоблайди. Агар бирор киши: «имло қоидаларини тушунмайман, аммо тўғри, хатосиз ёзишни ўргатсангиз» деб хат қилса, нима жавоб берардик? Ҳолбуки, шоирликка киришмоқчи бўлган ёшлардан шу қабилдаги саволлар деярли ҳар куни ёғила беради. Бундай ўртоқларга шеър ёзиш учун даставвал шеър ҳақида аниқ тасаввурга эга бўлиш керак дейишдан бошқа иложимиз йўқ.

Юқорида айтилганлардан муҳаббат ҳақида ёзиш мумкин эмас экан, бу «майда тема» экан деган хулоса келиб чиқмаслиги керак. Аслида, ҳақиқий ёзувчи ҳар қандай «майда тема»дан катта хулоса чиқариб, уни «катта тема» даражасига кўтара олади. Ёки, аксинча, нўноқ ёзувчи ҳар қандай «катта тема»ни ҳам етарли даражада оча билмай, «майдалаб» юбориши мумкин. Баъзи авторлар «катта тема»ни жуда юзаки тушунадилар.

Редакцияга келаётган шеърларнинг яна бир камчилиги уларнинг тавсифлиги ва чўзилиб кетганлигидадир. Шубҳасиз, шеър илҳом билан ёзилиши керак, илҳомсиз шеърлар ўқувчига бадиий завқ бермайди. Бироқ илҳом келди деб қуруқ сўз уюмини мисраларга тиза бериш ҳам ярамайди. Фикрнинг равшанлиги ва ифоданинг аниқлиги зўр ижодий меҳнатнинг самараси эканлигини унутмаслик зарур. Бу ўринда Д. Фурмановнинг ҳикоя устида ишлаш ҳақидаги доно маслаҳатини эслаш жоиздир.

«Ҳикояни ёзишга шошил, — деган эди Д. Фурманов, — бостиришга сабр қил. Ҳикоя ҳам шаробдай гап: қанча узоқ турса, шунча яхши бўлади. Фақат фарқ шундаки, шаробга тегма, идишнинг оғзини очакўрма, ҳикояни эса ҳар доим қўзғатиб тур: ушлаб кўр, титкила — ишонгинки, ҳамма вақт ундан камчилик топасан. Тайёр бўлганлигига виждонинг кафолат бергандан кейингина матбуотга бер».

Ҳамза, С. Айний, Ойбек, Ғафур Ғулом, Ҳамид Олимжон, Уйғун, С. Бородин, Абдулла Қаҳҳор, Яшин, М. Шевердин каби ёзувчиларимиз асарларининг қўл ёзмасини кўздан кечирган киши бу ёзувчилар асарининг муваффақияти зўр ижодий меҳнатнинг самараси эканлигини яққол кўради.

Ёш ёзувчиларимиз давримиз китобхонининг юксак талабларига жавоб берувчи, кенг китобхонлар оммасини коммунистик ғоялар руҳида тарбияловчи, замонамизнинг энг муҳим масалаларини ўткир партиявий ва юксак бадиий, зўр илҳом билан ёзилган таъсирчан асарлар яратишга эришмоқлари зарур. Бунинг учун эса улар марксизм-ленинизмни чуқур эгаллашлари, ўзларининг умумий ва профессионал савияларини тинмай ошириб боришлари, ҳаётни тинмай ва атрофлича ўрганишлари, замона талабларини сезгирлик билан пайқашлари, доимо давримизнинг вазифалари даражасида туришлари ҳамда кунт билан ижодий меҳнат қилишда чарчамасликлари лозим.

Солиҳ ҚОСИМОВ,
филология фанлари кандидати.

«Қизил Ўзбекистон»да босилгандан кейин

„УЗИЛМАГАН ҚАРЗЛАР“

Шу сарлавҳа остида босилган материалда Қорақалпоғистон Автоном республикасининг баъзи раҳбар ходимлари, шу жумладан, республика матлубот союзи ходимлари магазинлардан насияга олган кийим-кечак ва қимматбаҳо буюмларнинг ҳақини белгиланган муддатларда тўламаётгани танқид қилинган эди.

Бу ҳақда Қорақалпоғистон Автоном республика матлубот союзи правлениеси раиси ўртоқ Мирзаназаровдан қуйидаги жавоб хати олинди.

Правление насияга мол сотадиган магазинлар бўйича текшириш ўтказди. Газетада келтирилган фактлар тўла тасдиқланди. Товарларни насияга сотиш аҳоли эҳтиёжларини қондиришнинг яна бир янги формаси. Бироқ, айрим ходимлар, айниқса, савдо ходимлари ўзларининг вазифаларини суиистеъмол қилиб, бундан ўз манфаатлари учун фойдаланишга уринганлар, олинган кийим-кечак ва буюмларнинг ҳақини кўрсатилган вақтларда тўлаб боришдан бош тортиб келганлар. Текшириш якуни Қорақалпоғистон республика матлубот союзи правлениесининг кооперация ташкилотлари раҳбарлари, аппарат ходимлари иштирокида бўлиб ўтган кенгайтирилган мажлисида муҳокама қилинди. Ўз вазифаларини суиистеъмол қилишга уринган матлубот союзи ходимлари Н. Н. Гаврилова, Р. М. Ритова, М. Абдураҳмонова ва У. Жалилова ўртоқларга виговор эълон қилинди ҳамда қарзларини тезда тўлаш мажбурияти юклатилди.

Бошқа ташкилотларда ишлаётган ходимлардан қарзларни ундиришга, насияга товар сотиш магазинларнинг ишларини яхшилашга қаратилган тадбирлар белгиланди.

ФЕРМАДА ИШ ҚИЗҒИН

Совхозимиз коллективи янги йилни меҳнатда янги муваффақиятларни қўлга киритган ҳолда кутиб олди. Айниқса Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг пленумини чақириш тўғрисидаги хабар совхоз ишчиларини янги ғалабаларга илҳомлантириб юборди. Ҳозир далаларимизда, чорвачилик фермаларимизда иш қизғин. Баҳри Холиқова, Қиммат Жумаева, Тожи Қулиева, Руҳсат Исмоилова, Янглиш Бобоқулова каби сут соғувчиларнинг ҳар бири бу йил ўзига бириктилган сигирларнинг ҳар биридан 3000-3500 литрдан сут соғиб олишга аҳд қилиб, сигирлардан ҳозирдаёқ кунига 10-12 литрдан сут соғиб олмоқдалар.

Д. ҲАМРОЕВ,
Самарқанд районидаги «Боғизағон» совхози директорининг ўринбосари.

МАРСДАГИ ҲАЁТ ТЎҒРИСИДА

Ҳозир Марсга томон тез учиб бораётган «Марс-1» совет автоматик станцияси фанни бу «сирли планета» фотографияси билан бойитиши керак.

Биз катта кашфиётларни —кўпгина гипотезаларнинг тасдиқланиши ёки инкор қилинишини кутмоқдамиз. Марсда ҳаёт борми, деган саволга бериладиган жавоб энг қизиқ ва ҳаяжонли бўлади.

Бу планетадаги физик шароит унда органик ҳаётнинг баъзи формалари мавжуд, деган хулосани чиқаришга имкон беради.

Чунки у Ерга яқин бўлган масофада чанг булутидан пайдо бўлган планетанинг дунёга келиши вақтида унда Ердаги каби сув, углекислоталар, аммиак, биринчи углеводородлар бўлган. Марсни ҳосил қилган чанг ичида бу моддаларнинг мавжуд бўлганлигига шубҳа йўқ. Демак, Марсда ҳаётнинг пайдо бўлиши учун «қурилиш материали» мавжуд эди. Ердаги каби Марсда ҳам сув ва углекислоталарнинг молекулалари қуёшнинг қисқа тўлқинли нурлари таъсирида парчаланиб, эркин кислород ҳосил бўлиш процесси юз берган, деб тахмин қилиш мумкин.

Ҳозир Марсда очиқ сув бассейнлари йўқ, шунинг учун ҳам ўтмишда унда эркин сув бўлган ёки бўлмаганлигини аниқлаш қийиндир. Бироқ, Марсда сув бўлганлигини кўрсатувчи билвосита далиллар мавжуддир. Марс юзасининг жуда ҳам текислиги, углекислоталар миқдори жуда камлиги ана шундан далолат беради.

Марс сатҳининг текисланиш процессини сув таъсирисиз тасаввур қилиш қийин. Углекислоталар миқдори камлигига сабаб эса улар Марсда тоғ жинслари билан бириккан ҳолда эканлиги бўлса керак, углекислоталар сув етарли бўлган тақдирдагина тоғ жинслари билан бирикади. Марс йўлдошлари ҳаракатининг одатдан ташқари характери ҳам бир вақтлар мавжуд бўлган океанлардаги сувнинг ҳаракатига боғлиқ бўлса керак.

Ҳозирги вақтда Марс сатҳида ўртача ҳарорат нулдан пастдир, демак у ерда суюқ сув йўқ. Бизнинг Еримизда иссиқликнинг бўшлиққа тарқалиб кетишидан сақлаб турувчи сув буғлари ва углекислоталар Марс атмосферасида жуда кам. Агар илгари Марсда сув бассейнлари ва ҳали бирикмаган углекислотлар бўлгани тақдирда, иссиқликнинг тарқалишига имкон бермайдиган ана шундай «пўстин» ҳам бўлиши керак эди. Бундан ташқари Қуёш эволюциясини ўрганиш шуни кўрсатадики, Марсда ҳаёт пайдо бўла бошлаган даврда, бир неча миллиард йил муқаддам Қуёш ҳозиргидан ёрқинроқ нур сочган ва Марснинг ўзи ҳам Қуёшга яқинроқ эди. Ҳозир биз Марсда ҳаётнинг пайдо бўлиши учун ҳамма шароитлар бўлган, Марс тарихида бунга қарама-қарши ҳеч қандай процесс бўлмаган, деб айта оламиз.

Марсда баъзи воқеаларни кузатиш мумкинки, буларни фақат ҳаёт мавжудлиги билан тушунтириш мумкин. Булардан бири Марснинг асосан жанубий ярим шарида жойлашган қора доғларнинг мавсумий ўзгаришидир. Марс баҳори бошланиши билан қутбларда қор ва қиров эрий бошлайди ва бир вақтнинг ўзида қора доғларнинг ранги, ёрқинлиги ва формаси ўзгаради. Ёзнинг ўрталарида бу ҳодиса юқори нуқтасига етади ва кузда эса йўқ бўлиб кетади. Агар биз Марсдан туриб Ердаги ўсимлик ҳаётини кузатганимизда ҳам худди шундай воқеани кўрган бўлардик. Жонли моддалар бўлмаганда эди, Марсда бундай ҳодиса юз бермасди.

Иккинчи жуда муҳим ҳодиса 1956 йилда Вильям Синтон томонидан кашф этилган. Шу нарса аниқландики, барча юксак молекулали органик моддалар инфрақизил нурларнинг маълум узунликдаги тўлқинларини кўп миқдорда ўзига сингдиради. Вильям Синтон Марс спектрини ўрганар экан, бу планетада ҳам ана шу узунликдаги тўлқинлар сингиб кетаётганлигини аниқлади. Бу тўлқинлар мавсумий ўзгаришлар юз берадиган қора доғ жойларда сингади.

Ҳозирги вақтда Марсда ҳаёт борлиги деярли аниқланган, дейиш мумкин. Марсдаги шароитнинг жуда қийинлиги учун бундай шароитда ҳаёт қандай бўлсин деб шубҳаланмаса ҳам бўлади, чунки жонли организм шароитга жуда мослаша олади. Марсда шароит аста-секин ўзгара борган ва организм бу шароитга мослашиб ўзгарган.

Марсдаги организмлар қандай хусусиятга эга эканлигини биламизми? Бу саволга маълум даражада «ҳа» деб жавоб бериш мумкин. Лекин шуни кўзда тутиш керакки, Марс организмларининг бизнинг еримиздаги организмларга ўхшашлиги жуда кам. Чунки Марсдаги жонли организмлар бошқа дунё ва бошқа эволюцион йўл маҳсулотидир. Гавриил Тихов мактаби астробиологлари асарлари туфайли Марсда мох, лишайник, паст ўсадиган оқ қайин ва бошқалар бор, деган фикр тарқалган. Бу эса Марсдаги ҳаётни соддалаштиришдир. Ердаги систематикани Марсга нисбатан қўлланиб бўлмайди. Албатта, Марс организмлари хусусиятлари тўғрисида гапирганда, биз, сўзсиз, Ердаги организмларга мурожаат қиламиз, лекин бунда конвергент деб аталувчи ўхшашликлар, яъни ташқи муҳитнинг бир хиллиги натижасида бир-биридан жула узоқ организмларнинг ҳам ўхшашлиги (масалан балиқлар ва китлар танаси тузилишининг ўхшашлиги каби) ўхшашликлар тўғрисидагина гап юритиш мумкин. Қисқа тўлқинли ва космик нурланишнинг кучлилиги ҳароратнинг пастлиги, ўта қурғоқчилик, кислороднинг камлиги, кучли шамоллар — Марс шароитининг ўзига хос хусусиятларидир. Шунинг учун ҳам Марсдаги организмларни қандайдир даражада Марсдаги шароитга яқин бўлган шароитга тушиб қолган Ер организмларининг хусусиятига ўхшатиш керак.

Мавсумий ўзгаришлар рангнинг ўзгариши, яъни Марс организмлари пигменти составининг ўзгариши билан боғлиқ ҳолда юз беради. Бу Марсдаги организмларнинг озиқланиш усули Ердаги ўсимликларнинг озиқланиш усули — фотосинтезга ўхшашлигидан бўлса керак.

Марсдаги шароит фотосинтез учун қулайдир, бутун бир планета миқёсида, Қуёш нуридан ташқари, организмларнинг яшашини таъмин этувчи бошқа энергия манбаи ҳам бўлмаса керак.

Ердаги ўсимликларда хлорофилл ёрдамида фотосинтез бўлади. Ўсимликларда хлорофилл тасодифан пайдо бўлган эмас. Ер сатҳида Қуёшнинг қизил нурлари кўпроқ бўлади. Чунки бошқа нурлар атмосферада кучли равишда тарқалиб кетади. Хлорофилл эса ана шу қизил нурларни сингдиради. Ердаги ўсимликлар учун хлорофилл энг «қулай» пигментдир. Хлорофилл кўкяшил нурларни ўзидан акс эттиради, шунинг учун ҳам ўсимликларнинг ранги кўк бўлиб кўринади. Марснинг атмосфераси сийракроқдир ва унинг сатҳида бошқа нурларга нисбатан кўк нурлар кўп. Марсдаги организмларнинг пигменти ҳаммадан кўра кўк нурларни сингдириб, қизил нурларни эса қайтариши керак. Шунинг учун ҳам Марсдаги организмлар қизил-қўнғир тусда бўлиши керак. Бу тасаввур кузатишлар натижасига ҳам мос тушмоқда.

Қурғоқчилик, паст температура, шамоллар ва қисқа тўлқинли нурланиш таъсирида Марсдаги ўсимликлар бизнинг тоғларимиздаги ўсимликларга ўхшаб кетса керак. Ана шу факторлар таъсирини ҳисобга олганда, Марсдаги организмлар жуда ясси, гилам каби қопланиб ётадиган қалин, усти деярли силлиқ, мох ва барглари бўлмаган ўсимликдан иборат деган хулосага келиш мумкин.

Шундай қилиб Марс пейзажи ўзига хос хусусиятларга эга бўлса керак. Ҳеч қандай тоғ ва тепалик бўлмаган теп-текис, қизил тусли саҳрода онда-сонда қизил-қўнғир жонли организмлар ястаниб ётади. Бу организмлар устидан ҳеч қандай тўсиққа учрамайдиган шамол чангни тўзитиб учириб юради.

Бу манзара қанчалик тўғрилигини Марсга етиб борадиган космонавтлар айтадилар.

Кранид ЛЮБАРСКИЙ.

Туркманистон ССР Фанлар академияси Физика-техника институтининг илмий ходими.

ВАТАН ЎЗ ҚАҲРАМОНИНИ ШАРАФЛАМОҚДА

Италиянинг миллий қаҳрамони деган шуҳратга сазовор бўлган совет кишисининг чин номи яқиндагина маълум бўлиб қолди. Чет эл кишилари орасида фақат угина Италия Республикасининг олий мукофоти — «Ҳарбий жасорат учун олтин медаль» билан мукофотланди.

Бу киши Рязань яқинидаги колхоз темирчиси, гвардиячи-артиллериячи, Улуғ Ватан урушининг қатнашчиси Фёдор Андрианович Полетаев эди. Фёдор Полетаев уруш вақтида гитлерчилар асирлигидан қочиб, Италия партизанларига қўшилган эди.

Ана шу рус кишиси Горький тасвирлаган Данко каби ўз Ватанидан йироқда ўзининг жўшқин қалбини халқ учун бағишлади. Гарибальди партизанлар бригадасининг жангчиси Фёдор Полетаев ўзининг мислсиз жасорати ва меҳрибонлиги билан итальянларни ўзига мафтун қилди. У, чет элда кўрсатган жасорати билан Советлар мамлакати қаҳрамон халқининг шон-шуҳратини оширди.

Ватан ўзининг мард фарзандидан астойдил миннатдор бўлиб, уни тақдирлади. У, Ватан баҳодирлари орасида муносиб ўрин олди.

Яқинда Фёдор Андрианович Полетаевга Совет Иттифоқи Қаҳрамони унвони берилди, 7 январда эса унинг оиласига тантанали вазиятда СССР Олий Совети Президиумининг Ёрлиғи топширилди.

СССР Мудофаа министрлигининг мажлислар зали. Бу ерда Фёдор Полетаевнинг рафиқаси Мария Никаноровна, ўғли Михаил, қизи Валентина Фёдоровна Емельянова, синглиси Анастасия Андриановна Батова, Михаилнинг рафиқаси Валентина Никитьевна Полетаевалар бор эди.

Залда Италия Республикасининг элчиси Карло Альберто Странео, Италия элчихонаси ҳузуридаги ҳарбий атташе бригада генерали М. Сессич, ҳарбий-ҳаво атташеси полковник А .Кумбат, ҳарбий-денгиз атташеси биринчи ранг капитан П. Маинини ҳозир бўлдилар.

СССР мудофаа министрининг ўринбосари, Совет Иттифоқи Маршали В. И. Чуйков Фёдор Полетаев жонажон Ватанниг шон-шуҳрати ва озодлиги учун, итальян халқининг озодлиги учун фидокорона жанг қилганлигини эслатиб ўтди. Шундан кейин, В. И. Чуйков Италия Республикасининг элчиси Странео жанобларига мурожаат қилиб, бундай деди:

— Ватандошимизнинг қаҳрамонлигига юксак баҳо берганлиги учун Италия халқи ва ҳукуматига ўз миннатдорчилигимизни Сиз орқали изҳор қилишга ижозат бергайсиз.

Совет Иттифоқи Маршали В. И. Чуйков Ф. А. Полетаевга Совет Иттифоқи Қаҳрамони унвонини бериш тўғрисидаги Фармонни ўқиб беради ва СССР Олий Совети Президиумининг топширувига биноан, қаҳрамон Ёрлиғини ажойиб совет ватанпарварининг оиласига топширади.

Италия Республикасининг элчиси Карло Альберто Странео Фёдор Полетаевнинг қаҳрамонлиги тўғрисида самимият билан гапирди.

Жуссаси отасига ўхшаш баланд бўйли, бақувват солдат ўрнидан туради. У, В. И. Чуйковга мурожаат қилиб, шу гапларни айтади:

— Ўртоқ Совет Иттифоқи Маршали! Отам тўғрисида айтган самимий сўзларингиз учун, оиламиз шаънига изҳор қилган яхши истакларингиз учун Сизга ташаккур билдиришга ижозат бергайсиз. Мен Совет Армиясининг солдатиман, отамнинг хотираси мен учун жуда азиздир ва отамга муносиб фарзанд бўлиш учун бутун кучимни сарфлайман.

Г. МАРУТОВ.

ТАСС мухбири.

Химиклар, машинасозлар шаҳри Чирчиқда уй-жой қурилиши тобора кенгаймоқда. Бу ерда ой сайин кўплаб янги квартиралар фойдаланишга топширилаётир. Суратда: яқинда фойдаланишга топширилган уй-жойларнинг кўриниши.

И. Глауберзон фотоси.



Оламда нима гап

ЧЕТ ЭЛЛАРДАН ХАБАР БЕРАДИЛАР

▲ Руминия металлургия саноати кейинги вақтда тахминан йигирма хил янги маркали пўлат ишлаб чиқаришни ўзлаштирди. Руминияда ишлаб чиқарилаётган пўлатнинг сифати металлургия соҳасида қадимий традицияларга эга бўлган мамлакатларнинг маҳсулоти сифатидан қолишмайди.

▲ Икки дўст мамлакат— Польша билан Германия Демократик Республикаси пойтахтлари ўртасида мунтазам ҳаво алоқаси бошланди. Варшава—Берлин ва Берлин—Варшава трассасида Польша ва Германия Демократик Республикаси авиация линияларининг самолётлари ҳар куни қатнаб туради.

▲ 6 январда нью-йорклик лар янги газета олдилар. Бу газета «Нью-Йорк стандард» деб аталади. Газета Нью-Йоркдаги тўққиз газетанинг босмахона ишчилари бундан бир ой муқаддам бошлаган забастовка тугагунча кун сайин 400.000 нусха чиқиб туради.

▲ Токионинг 10 миллион аҳолиси сувга ёлчимаётир. Шаҳарнинг учта асосий сув омборида сув запаслари анча камайди. Шу муносабат билан шаҳар маъмурлари пойтахтнинг бир қанча районларида сув таъминотини чеклаб қўйиш ёки қисман тўхтатишга қарор қилдилар.

▲ Янги йил байрамида Франция йўлларида рўй берган 1.078 автомобиль халокати натижасида 68 киши ўлган ва 1.662 киши ярадор бўлган. Бу маълумотларни Франция ички ишлар министрлиги эълон қилди.

(ТАСС).

Н. С. ХРУШЧЕВНИНГ ДОКЛАДИ БИРМАДА НАШР ЭТИЛДИ

РАНГУН, 7 январь. (ТАСС). «Ар сит» журнали Н. С. Хрушчевнинг «Ҳозирги халқаро аҳвол ва Совет Иттифоқининг ташқи сиёсати» ҳақида СССР Олий Советининг сессиясида қилган докладининг тўла текстини Бирма тилида босиб чиқарди.

Хрушчев СССР Олий Советининг сессиясида қилган докладида, деб ёзади «Бирман» газетаси, ҳозирги замоннинг асосий проблемаларини марксистик чуқур анализ қилиб берди ва тинчлик ҳамда инсоният бахт-саодати манфаатлари йўлида низоли халқаро масалаларни ҳал қилиш йўллари ва усулларига нисбатан Коммунистик партия ва Совет ҳукуматининг тутган позициясини тушунтириб берди.

СОВЕТ ҲУКУМАТИНИНГ СОВҒАСИ

КАТМАНДУ, 7 январь. (ТАСС). Совет ҳукуматининг Непал ҳукуматига совғаси сифатида Непалда қурилган госпиталь кеча бу ерда тантанали вазиятда очилди. Бу воқеага бағишланган тантанали маросимда Непал короли Махендра рафиқаси билан ва король оиласининг аъзолари билан, король ҳукуматининг министрлари, Непал армиясининг генераллари, дипломатик корпус аъзолари, пойтахт жамоатчилигининг вакиллари, журналистлар ҳозир бўлдилар.

Маросимда сўзга чиққан қурилиш бош инженери Гаринат Римал ва соғлиқни сақлаш департаментининг директори Вайдья совет вакилларига самимий ташаккур изҳор қилдилар. Госпитални очиш маросимида СССРнинг Непалдаги элчиси Е. Г. Забродин ва Непал соғлиқни сақлаш министри Н. П. Сингх ҳам сўзга чиқдилар.

Сўнгра король Махендра ҳукумат аъзолари билан бирга госпитални кўздан кечирди.

Король Махендра госпитални кўздан кечириб бўлгандан сўнг бундай деди: бу қурилишнинг битказилганини кўриб хурсанд бўлдим. Госпиталнинг архитектураси ҳам, жиҳозлари ҳам жуда яхши. Мен Москвага қилган сафаримни мамнуният билан эсга оламан ва бу совға учун Совет ҳукуматига ташаккур изҳор қиламан. Бу совға Совет—Непал дўстлигининг символи бўлсин.

ПЕКИНДА УЧРАШУВЛАР

ПЕКИН, 7 январь. (ТАСС). Хитой Коммунистик партияси Марказий Комитетининг раиси Мао Цзэ-дун бугун Индоезия биринчи министрининг ўринбосари ва ташқи ишлар министри Субандриони ҳамда унинг ҳамроҳларини қабул қилди. Қабул вақтида Хитой Халқ Республикаси Давлат кенгашининг бош министри Чжоу Энь-лай, бош министрнинг ўринбосари Чэнь И ва бошқа расмий кишилар ҳам бор эди. Синьхуа агентлигининг хабар беришича, Мао Цзэ-дун ва Субандрио самимий, дўстона суҳбатлашганлар.

Хитой Коммунистик партияси Марказий Комитетининг раиси Мао Цзэ-дун шу куниёқ Цейлон бош министри С. Бандаранаике хонимни ва унинг ҳамроҳларини кабул қилди. Мао Цзэ-дун билан С. Бандаранаике ўртасида самимий, дўстона суҳбат бўлди. Қабул вақтида Хитой Халқ Республикаси Давлат кенгашининг бош министри Чжоу Энь-лай бош министрнинг ўринбосари Чэнь И ва бошқа расмий кишилар қатнашдилар.

НГО ДИНЬ ДЬЕМ СОЛДАТЛАРИ ЖАНГ ҚИЛИШНИ ИСТАМАЁТИРЛАР

НЬЮ-ЙОРК, 7 январь. (ТАСС). Нго Динь Дьем солдатлари ва офицерлари Жанубий Вьетнам партизанларига қарши жанг қилишдан ва бизнинг фармойишларимизни бажаришдан бош тортмоқдалар, дейдилар Жанубий Вьетнамдаги америкалик ҳарбий маслаҳатчилар.

Юнайтед Пресс Интернейшнл агентлиги мухбирининг Сайгондан хабар беришича, яқинда Ап Бак қишлоғида партизанлар билан бўлган жанг вақтида солдатлар америкалик маслаҳатчиларнинг буйруғига қарамай, ҳужум қилмаганлар. Америкалик капитан солдатларни ҳужум қилишга мажбур этмоқчи бўлганида уни ўлдирганлар.

Американлик ҳарбий маслаҳатчилар жанубий вьетнамлик командирларнинг «жанговарлик руҳи йўқ» ва улар бизга хизмат қилишни истамаётирлар, деб шикоят қилмоқдалар.

ЧОМБЕ ПАРТИЗАН УРУШИГА ТАЙЁРЛАНМОҚДА

ЛОНДОН, 7 январь. (ТАСС). Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг қуролли кучлари Конгода Катанга жандармериясига қарши ҳарбий операцияларни тўхтатиб қўйган бир пайтда, Чомбе партизан урушига тайёргарлик кўрмоқда. Рейтер агентлиги мухбирининг хабар беришича, Чомбе Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг қўшинларига қарши партизан курашини ташкил этиш мақсадида кеча ўз жандармериясининг бош штаби билан кенгаш ўтказган.

СОТҚИНЛАР УЛОҚТИРИБ ТАШЛАНДИ

ҚОҲИРА, 7 январь. (ТАСС). Яман шарқий округи комендонлиги қуйидагиларни хабар қилди: Саудия-Иордания қўшинлари отряди 5 январда Яман чегарасидан ўтишга уриниб кўрган эди, аммо республика ҳукумати қўшинлари бу отрядни улоқтириб ташлади. Сотқинлар чекина ётиб, қурол ва ўқ-дориларни жанг майдонига ташлаб кетдилар.

МОСКВА—ГАВАНА

МОСКВА, 7 январь. (ТАСС мухбири). Бугун эрта билан Внуково аэропортидан «ТУ-114» ҳаво кемаси Озодлик оролига биринчи пассажир рейси билан жўнаб кетди.

«ТУ-114» самолёти Совет Иттифоқи билан Куба ўртасида ҳафтасига бир марта қатнайди. 10.800 километрлик трасса Атлантик океанининг бетараф сувлари устидан, Гренландия, Канада ва Америка Қўшма Штатларининг қирғоқлари бўйлаб ўтади. Бу — энг мураккаб халқаро авиация маршрутларидан биридир. «ТУ-114» самолёти Кубагача бўлган масофани 17 соатда учиб ўтади, қайтишда эса орқадан эсган шамол билан қарийб уч соат тезроқ учиб келади.

Москва—Гавана линияси совет ҳаво лайнерлари хизмат қилаётган 29-халқаро авиация линиясидир.

Редактор

З. И. ЕСЕНБОЕВ

ТОМОШАЛАР. ЭЪЛОНЛАР.

РАДИО

9 ЯНВАРДА

Биринчи программа: 7.40 —Пионер эрталиги. 8.25 — Концерт (халқ талантлари ижросида). 10.30 — Халқ қўшиқлари. 11.20 — Каникул қувноқ ўтмоқда (рус тилида). 12.30 — Музикали драмалардан парчалар. 13.30— Болгария композитори Цанков асарлари. 15.35 — Музикада Шекспир ижоди. 16.15 — «Инсон» (ёшлар учун ўзбек тилида радиоинсценировка). 17.40 — «Қоплон» (Носов хикояси асосида ўзбек тилида радиопостановка). 18.05 — М. И. Глинка (ўзбек тилида). 18.30 — Ўзбекистоннинг музика маданияти. 19.20 —Концерт (қозоқ куйларидан). 20.00 —Қишлоқ хўжалик темасида (рус тилида). 20.10 — Лирика кечаси. 22.05 — Поэзия кечаси (ўзбек тилида). 22.25 — Енгил куйлар. 23.15 — Концерт (ёшлар талабига мувофиқ).

Иккинчи программа: 19.00 — А. Н. Толстой. «Наташа» (рус тилида радиопостановка). 19.30 — Опералардан ариялар. 20.10 — Концерт (халқ ҳофизлари ижросида). 20.45 — Ленинград экспорти географияси (ўзбек тилида). 21.00 — Концерт (етти йиллик илғорлари учун). 21.30—Концерт (корейс куйларидан).

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

9 ЯНВАРДА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

Рус тилида: 12.00 — **Концерт** (Самарқанд шаҳар пионерлар уйи «Костёр» ансамблининг рақс группаси ижросида). 12.35 — **Мультипликацион фильм.**

Ўзбек тилида: 12.55 — **Очилган қўриқ** номли бадиий фильмнинг биринчи серияси.

Рус тилида: 18.00 —**Телевизион янгиликлар,** 18.15 — **Социализм мамлакатлари байроғи остида,** 18.45 — **Тубанликда** номли фильм-спектакль (К. С. Станиславский туғилган куннинг 100 йиллиги олдидан).

Ўзбек тилида: 21.20 — **Телевизион янгиликлар,** 21.35 — **Халқаро масалалар** (комментатор суҳбати), 21.55— **Ўзбек совет қўшиқларидан концерт** (Ўзбекистон композиторлари пленуми олдидан), концертдан кейин— **Сўнгги ахборот** — (ўзбек ва рус тилларида).

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

Ўзбек тилида: 18.00 — **Қиш манзаралари.**

Фрунзе телевидение студияси эшиттиришлари: 18.20 — **Киноочерк,** 18.55 — **Телевизион постановка** (Шелестов ҳикояси асосида), 19.30 — **Тирилиш** номли бадиий фильмнинг иккинчи серияси, 21.00 — **Телевизион янгиликлар,** 21.10 — **Инглиз тили дарси,** 21.50 — Қисқа метражли фильм.

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 9/I да кундуз **Доктор Айболит,** кечқурун **Риголетто,** 10/I да кундуз **Маскарад,** кечқурун **Майсаранинг иши.**

ҲАМЗА НОМЛИ ТЕАТРДА — 9/I да кундуз **Шубҳа,** кечқурун **Олов,** 10/I да кундуз **Олга,** кечқурун **Тобутдан товуш.**

МУҚИМИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 9/I да **Кимга тўй, кимга аза.**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — 10/I гача **«Циркда арча»** ва **Катта янги йил томошалари.** Кундуз соат 12, 3 ва кеч 7 яримда бошланади.

КИНО

Улимнинг ўз юзи бор — «ВАТАН» (кундуз ва кечқурун), «СПУТНИК» (жуфт соатларда), «ИСКРА» (кеч соат 10-20 минутда).

Ҳарбий музика—«МИР», «ИСКРА», «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ», «ЎЗБЕКИСТОН», «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ», «ВОСТОК» (кундуз ва кечқурун), «СПУТНИК» (тоқ соатларда).

Алангали йиллар қиссаси — НАВОИЙ номли (эрталаб соат 10, кундуз 3 ва кеч 10 да), «ДРУЖБА» (1-залда кундуз ва кечқурун).

СВЕРДЛОВ НОМЛИ
КОНЦЕРТ ЗАЛИДА
12, 13 январда
КАТТА
КОНЦЕРТЛАР

СССР халқ артисти, Давлат мукофоти лауреати **Тамарахоним,** Жаҳон ёшлар фестивали лауреати **Клара Жалилова,** филармония солисти **Неъмат Қулабдуллаев,** ўзбек ашула ва рақс ансамбли қатнашади.

Концерт кеч соат 7 ярмида бошланади. Билетлар сотилмоқда.

НИЗОМИЙ НОМЛИ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ
билдирадики,
педагогика факультетидан бошқа
ҳамма
факультетларда
ҚИШКИ СЕССИЯ
қуйидаги муддатларда
ЎТКАЗИЛАДИ:

5-курсда — ҳозирдан 12 январгача.

1-курсда — 11 январдан 21 январгача.

2-курсда — 22 январдан 2 февралгача.

3-курсда—3 февралдан 13 февралгача.

4-курсда — 14 февралдан 24 февралгача.

Мактабгача тарбия факультетида (5-курс) — 15 январдан 25 январгача.

ТОШКЕНТ ТЎҚИМАЧИЛИК
ИНСТИТУТИ
қатнаб ўқийдиган ва сиртқи
АСПИРАНТУРАГА
(тўқимачилик материалшунослиги, енгил саноат экономикаси, ташкил қилиш ва планлаштириш, машина деталлари ихтисосларига)
қўшимча
қабул қилади

Аризалар 1963 йил 20 январгача қабул қилинади.

Адрес: Тошкент шаҳар, 2-Виборг кўчаси, 5-уй.

Тошкент шаҳар, Чилонзор массив, 7-б сектор, 17-уйда турувчи **Татьяна Ивановна Тихонованинг** шу уйда турувчи Борис Сергеевич Тихоновдан ажралиш ҳақидаги иши Тошкент шаҳар, Фрунзе район халқ судида кўрилади.

В. И. ЛЕНИН НОМЛИ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ
УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ХАЛҚ УНИВЕРСИТЕТИ
РЕКТОРАТИ
билдирадики,
ҲАММА БЎЛИМЛАРДА
МАШҒУЛОТ
9 ЯНВАРДАН БОШЛАНАДИ
(чоршанба кунлари кеч соат 7 дан)

Ўқувчилар қабул қилиш давом этмоқда.

Мурожаат учун адрес: К. Маркс кўчаси, 35-уй, I-корпус, 142-аудитория, телефон 3-41-96.

ТОШКЕНТ ҚУРИЛИШ
ТЕХНИКУМИ
кириш имтиҳонларига
тайёрлайдиган
ПУЛЛИК, 6 ОЙЛИК
КУРСГА
ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ
ҚИЛАДИ

Ўрта ва тўлиқсиз ўрта маълумоти бўлган кишилар қабул қилинади.

Ўқиш 15 январдан бошланади.

Курсга кирувчилар аризага қуйидаги ҳужжатларни қўшиб берадилар: 3 та фотокарточка, маълумот ҳақида ҳужжат ва иш жойидан справка.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳар, Навоий кўчаси, 32-уй, 27-хона, телефон 4-24-42, 4-19-44.

Ўзбекистон ССР Қурилиш
министрлигининг
4-АВТОТРАНСПОРТ
КОНТОРАСИГА
бензин ташийдиган ва оғир дизель автомобиллари учун шофёрлар, ҳар хил разрядли автослесарлар
КЕРАК

Шофёрларга меҳнат ҳақи ишбай асосида тўланади.

Ёлғиз кишилар ётоқ билан таъминланади.

Тошкентдан иш жойигача контора транспортида олиб борилади.

Калинин район, Қуйлиқ қишлоғи, Тошлоқ кўчаси, 205-уйда кадрлар бўлимига мурожаат қилинсин.

ЎЗБЕКИСТОН СИЛ ИЛМИЙ-
ТЕКШИРИШ ИНСТИТУТИГА
ординатор-фтизиатр врачлар,
суяк-бўғин сили врачлари,
медсестра, санитаркалар,
гипс техниклари
керак

Адрес: Тошкент шаҳар, Оқтепа массив, Мажлис кўчаси, 1-уй.

Тошкент шаҳар, Жданов кўчаси, 2-уйда турувчи **Аҳмад Урмонович Устажалиловнинг** Калинин район, Байитқўрғон қишлоқ советидаги Охунбобоев номли колхозда турувчи Муҳаррам Устажалилова (Ихлосова)-дан ажралиш ҳақидаги иши Тошкент область, Калинин район халқ судида кўрилади.

БИЗНИНГ АДРЕСИМИЗ: «ПРАВДА ВОСТОКА» КЎЧАСИ, 26-УЙ.

Коммутатор—26334, 33262, 30251, 30252, 30253, 30254, 30255, 30256, 30257, 30258. Редакция телефонлари: Редактор—26545. Редактор ўринбосарлари—27914, 29323. Масъул секретарь—34455. Масъул секретарь ўринбосарлари—27283. Партия турмуши—33469, 27221. Пропаганда—31226. Саноат, қурилиш ва транспорт—34780. Совет қурилиши—33258. Қишлоқ хўжалиги—27604. Адабиёт ва санъат—32036, 27221. Фан, мактаб ва олий ўқув юртлари—34451. Маҳаллий ахборот—32347. Оммавий ишлар ва хатлар—29005, 33553. Иллюстрация—34524. Стенографистка—27343. Эълонлар—28142.

«Қизил Ўзбекистон», «Правда Востока» ва «Ўзбекистони сурх» бирлашган нашриётининг босмахонаси, Тошкент шаҳри.
Р. 06116. Индекс 64543. Нашр. № 7.